

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА**

**МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ЖАҲОН ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК”**

**КАФЕДРАСИ**

**404- гуруҳ IV-босқич талабаси**

**ҚУРБОНОВ РАВШАННИНГ**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ТЕАТР ВА ФОЛЬКЛОР  
ЭТНОГРАФИК ДАСТАЛАРИНИНГ МАҶНАВИЙ  
ТАРАҚҚИЁТДАГИ ЎРНИ (1991-2010 ЙИЛЛАР)”**

*мавзусидаги*

**БИТГИРУВ МАЈЛАКАВИЙ**

**ИШИ**

**ТЕРМИЗ – 2013**

## **Кириш**

### **ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЧИЛИГИ ВА ХАЛҚ ТЕАТРИ**

- 1.     Халқ достонларининг пайдо бўлиши**
- 2.     СУРХОНДАРЁ ТЕАТРИ ИШЧИ-ЁШЛАР ТЕАТРИ**
- 4.     ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ**
- 5.     ШЕРОБОД ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ**
- 6.     МУСИҚА САНЪАТИНИНГ БАДИЙ АДАБИЙ АҲАМИЯТИ**

## **Х У Л О С А ВА ТАВСИЯЛАР**

**Фойдаланилган адабиётлар.**

## КИРИШ ҚИСМИ

**Битирув малакавий ишнинг долзарблиги.** Мустақиллик йилларида ижтимоий-иктисодий ва маданий соҳадаги ўзгаришлар кенг миқёсдаги ислоҳотларни амалга ошириш натижаси бўлиб, жамиятимиз ҳаётини тубдан ўзгартириб, муҳим янгиланишлар жараёнига асос солди. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидағи ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётини ўрганишнинг долзарблиги Президент Ислом Каримовнинг 1996 йил 18 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси қошидаги «Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши ҳамда 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида ЎзР ФА Тарих институтига ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи бўйича тадқиқотларни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов миллий мафкуранинг шаклланиш жараёнида тарих фанининг ўрнига юксак баҳо берид: «Миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба – бу ҳаққоний ёритилган тарихдир», деб кўрсатган эди<sup>1</sup>.

Битирув малакавий иш мазмунида Ўзбекистонда халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни мисолида ўрганиш, шубҳасиз, тарихнинг янада чуқурроқ ёритилиши учун имконият яратади. Республикализнинг жанубий худуди ҳисобланган Сурхон воҳасида халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни таҳлил этиш туфайли мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёни ва уларнинг натижаларини ўрганиш имконияти юзага келди. Сурхондарё вилояти салоҳиятига кўра республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу хусусида Ўзбекистон Республикасининг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8 -Б. 505..

Президенти И.А.Каримов: «Фақат биз озодлик ва эркинликка эришгандан кейингина Сурхоннинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига том маънода катта эътибор қаратилди..., Сурхон халқининг ўзлиги, иймон-эътиқоди, иродава матонати, энг муҳими, ўз юртига садоқати асло ўзгармади» деган эди<sup>2</sup>.

Республика ҳукуматининг қарори асосида ишлаб чиқилган «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепсияси», «Ўзбек давлатчилиги тарихининг мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги даврини ҳар тарафлама кенг ёритиш; ислоҳотлар ва янгиланиш, ижтимоий-иктисодий тараққиёт» масалаларини ўрганиш вазифаси қўйилди<sup>3</sup>. Президент Ислом Каримов раҳбарлигига мустақилликка эришилганидан кейинги Ўзбекистонда халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни асосланган дастури ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишнинг долзарблигига Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида<sup>4</sup> 1992 йил бозор муносабатларига асосланган ишлаб чиқаришга босқичма-босқич изчиллик билан ўтиш йўли яратилди. Ўзбекистонда халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни мувоффақ бўлинди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз Ўзбекистонда халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни унинг тараққиёти ривожида Сурхон воҳасининг ҳам муносиб ўрни бор.

Битирув малакавий ишнинг долзарблигига Ўзбекистонда халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётига айланди. Ўзбекистонда халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда ишлаш тажрибалари тўпланиб долзарб соҳаларнинг ривожланишига имкониятлар яратилди.

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: Ўзбекистон. 2002. Т-10, Б. 310, 311.

<sup>3</sup> Ўзбекистон тарихи журнали 1999 й. №1. 32-34 бетлар.

<sup>4</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Т.: «Ўзбекистон» 1992. 18-19 бетлар.

**Битириув малакавий ишнинг долзарблигига** Мамлакатимизда, шу жумладан, унинг таркибий қисми бўлган Сурхондарёда халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни соҳада қўлга киритилган ютуқларни тарихий илмий таҳлил қилиб, мустақиллик йилларидағи тажрибалардан хulosса чиқариб, тарихий-илмий мулоҳазаларни бериш тарихшунослар олдидағи энг асосий вазифалардан биридир. Президент И.А.Каримов 2008 йил 25 марта Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганидек; “Сурхондарё вилоятида ноёб табиий бойликларнинг улкан захиралари мавжудлиги уларни ўзлаштириш ва эл юртимиз манфаати йўлида ишлатишга ундейди”<sup>5</sup> деб таъкидлаши муҳим аҳамиятга эгадир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиёти соҳасида қўлга киритилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликларни ўрганиш, уларни бартараф этиш жараёнини таҳлил қилиш энг долзарб масалалардан биридир.

Шунингдек, масалаларга событқадамлик билан риоя қилиш туфайли Ўзбекистонда халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни янада юқори поғонага кўтариш имкониятлари яратилди.

**Битириув малакавий ишнинг долзарблиги** қуйидаги масалаларни илмий таҳлил этишни асослади:

**Биринчидан,** Ўзбекистон тарихини ўрганиш жараёнида Сурхондарё вилоятининг мустақиллик йилларидағи ривожланишнинг хусусиятларини илмий таҳлил этиш;

**Иккинчидан,** Ўзбекистонда халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни мазмун – моҳиятини тарихий жиҳатдан кўрсатиб бериш;

**Учинчидан,** Ўзбекистонда халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни масалаларини таҳлил этиш;

---

<sup>5</sup> Халқ сўзи, 2008 йил, 26 март, 1-бет. Президент И.А.Каримовни сессиядага нутки.

**Тўртинчидан**, мустақиллик йилларида вилоятда халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни қўшган хиссасини ёритиш ва таққослаш;

**Бешинчидан**, Ўзбекистонда халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни бошқарув соҳасидаги ўзгаришларнинг хусусиятларини тарихий жиҳатдан асослаш;

**Олтинчидан**, маданий турмуш тарзидаги ўзгаришлар, шунингдек, маданият ривожидаги миллий ҳис-туйғулар ҳамда унинг маънавият ривожидаги ўрнига алоҳида эътибор бериш;

**Еттинчидан**, мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни йўналишидаги ислоҳотлар самараси, уларнинг инсон манфаатларини ижтимоий-маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш, муаммоларни бартараф этиш уринишлар ва уларнинг натижаларни илмий-тарихий таҳлил этиб, мукаммал илмий хуносалар чиқариш.

Сурхон воҳаси Республикаси бошқа вилоятларига нисбатан айрим ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, унинг қадимийлиги, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда тутган тарихий ўрни, қулай географик ҳудудда жойлашганлиги, сиёсий маъмурий бошқарув, илм-маърифат, дин марказларидан бири бўлганлиги, мамлакатимизнинг энг жанубидаги чегара ҳамда жаҳон мамлакатларига чиқувчи жанубий дарвоза эканлиги билан унинг тадқиқот обьекти сифатида танлаб олинишга асос бўлди.

**Битирув малакавий ишнинг даврий чегараси.** Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган – 1991 йилдан 2010 йилгача бўлган даврнинг даврий чегарасини белгилаб беради. Чунки айни шу йилларда бутун республиқада бўлганидек, Сурхондарё вилоятида ҳам халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Мавзуни ўрганишда 1991-2010 йилларда мустақиллик туфайли эришилган халқ театр ва фольклор

этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни илмий тадқиқотнинг даврий доираси сифатида белгиланди.

## **2. Битирув малакавий ишнинг адабиётлари таҳлили**

Мустақилликнинг ўтган қисқа даври ўзининг мазмун-моҳияти, амалга оширилган ишларнинг кўлами, онгимиз, тафаккуrimиз ва турмуш тарзимизга кўрсатган таъсири нутқтаи назаридан бир неча ўн йилликларга тенг.

Битирув малакавий ишда тадқиқ этилаётган мавзунинг тарихшунослиги республикамизнинг мустақиллик йилларидағи тараққиётига доир ҳаётига бағишлиланган манбалар тарихшунослар ва маданият ходимлари ҳамда бошқа илмий соҳа вакиллари томонидан маълум даражада ўрганилиб, мавзуга доир масалаларга қисман тўхталиб ўтилган.

Ўзбекистоннинг давлат мустақилигига эришиши, янги жамиятга ўтиш даврида халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ислоҳотларнинг амалга оширилиши, Ўзбекистонда ҳукуқий-демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилган тадбирлар, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш омиллари, маънавий-руҳий покланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши каби масалалар кўриб чиқилган. Кейинги монографияда Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақил ривожланишининг илмий асосларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишига қўшган улкан ҳиссаси кўрсатилган, жамиятнинг халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни ҳаётидаги туб ислоҳотларнинг ғоявий жиҳатлари чуқур таҳлил этилган.

Бирор бу асарларда янги халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни муносабатларнинг тикланиши ва ривожланиши жараёнидаги муаммоларга кам эътибор қаратилган ҳамда

Сурхондарё вилоятидаги туб халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни ўзгаришлар алоҳида тадқиқ этилмаган.

Мустақиллик йилларида республиканинг айрим ҳудудлари, хусусан халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни тарихини тадқиқ этиш ишлари ҳам самарали давом этди. Жумладан, бир қатор олимлар томонидан республиканинг айрим халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни ёки ҳудудларнинг тарихи илмий ишларнинг обьектига айланди<sup>6</sup>, лекин улар тадқиқот обьекти ва даври жиҳатидан мавзуга тўғри келмайди.

С.Н.Турсунов, Э.О.Қобилов ва бошқаларнинг «Сурхондарё тарих кўзгусида» деб номланувчи китобининг еттинчи бўлими мустақиллик даврига бағишлиланган бўлиб, бу бўлимда Сурхон воҳаси халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни фан, санъат, адабиёт соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг бажарилишига оид бунёдкорлик ишларига тааллуқли қисқа тарихий манбалар келтирилган<sup>7</sup>.

Э.О.Қобиловнинг «Сурхондарё саноатининг ilk одимлари» рисоласида Сурхондарё саноат корхоналарининг мустақилликнинг дастлабки икки йилидаги фаолияти, хусусийлаштириш ва мулк шаклининг ўзгартирилишига доир манбалар баён қилинган. Ушбу рисолада манбалар Сурхондарё вилоятининг 1991 – 1992 йиллардаги иқтисодий тараққиёти даражаси таҳлил этилиб, умумлашма хulosалар берилган<sup>8</sup>.

---

<sup>6</sup> ТурсуновЖ.Н. История экономического и социального развития городов Узбекистана (на премера городов Байсун, Шаргун, Шурчи). 1971–1990: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. –Т., 1995; Каршиев Р.М. Экономическое и социально-культурное развитие г.Навои: опыт проблемы (1958–1990 годы); Афтореф. Дис. ... канд. Ист наук. –Т., 1996; Рахматуллаев Ш.М. Социально экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости. (1991–1996 гг.): Автореф. Дис. ... канд. Ист. Наук. – Т., 2000; ва бошқа.

<sup>7</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р.Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида Т., «Шарқ» 2001. 313 - 377 бетлар.

<sup>8</sup> Қобилов Э.О. Сурхондарё саноатининг ilk одимлари. Термиз.; Жайхун, 1993. -114 -6.

«Сурхондарё» альбомида вилоятдаги халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни ҳақида маълумотлар берилган ва ишда альбомдаги саноатга доир 1991–1997 йилларга тааллуқли материаллардан маълум даражада фойдаланилди<sup>9</sup>.

«Термиз. Буюк йўллар чорраҳасидаги кўхна ва янги шаҳар» китобининг мустақиллик даврига бағишиланган 69–73 бетларида Термизнинг мустақиллик йилларидағи халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни ҳақида қисқа муълумотлар берилган<sup>10</sup>.

Ж.Мирзаевнинг «Термиз тарихи» китобида мамлакатимиз жанубидаги таянч шаҳарнинг ўтмиши ва мустақиллик йилларидағи халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни тараққиёти қисқа мазмунда баён этилган. Мухаммад Азимовнинг «Термиз тарихи» монографиясида Термизнинг қадимги даврдан бошлаб 2000 йилгача бўлган ўтмиши, халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни бугунги мустақиллик давридаги истиқболига доир манбалар баён этилган<sup>11</sup>.

«Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси»да Сурхондарё вилоятида халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни ислоҳотларнинг амалга оширилиши, мустақилликнинг дастлабки йилларида воҳада қўлга киритилган ютуқларга доир маълумотлар келтирилган<sup>12</sup>.

З.Даминованинг «XIX аср охири XX асрда Термиз шаҳри тарихи» мавзусида ёзилган диссертациясида XX асрнинг 90-йилларда Термиз шаҳрининг халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни маданий ривожланиши таҳлил этиб, шаҳар тарихида ушбу даврнинг тутган ўрни, хусусияти ва ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, Термиз шаҳрининг халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг

<sup>9</sup> Сурхондарё альбоми. Т.: Шарқ, 1997., -220 бет

<sup>10</sup> Термиз. Буюк йўллар чорраҳасидаги кўхна ва янги шаҳар «Шарқ», 2001., -108 бет.

<sup>11</sup> Мирзаев Ж. Термиз тарихи китоби. «Шарқ» 2001.-120 бет.

<sup>12</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбекистон қомуслар бош таҳририяти. Т., -639-641 бетлар

маънавий тараққиётдаги ўрни маданий тараққиёти деб номланиб, Термиз шаҳрида халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни ислоҳотлар натижасида халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни юксалиши, халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни узлуксиз ривожланиши ва маданий юксалиш самараси натижалари қисқа баён этилган<sup>13</sup>.

Сурхондарё вилоятининг мустақиллик йилларига бағишиланган С.Турсунов ва бошқалар томонидан нашр этилган «Сурхондарё тарихи» монографиясининг 7-бобида халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни, маънавий хаётга тааллуқли манбалар ҳақида фикр юритилган. Бироқ ушбу монографияда мустақиллик йиллари қисқа, умумий йўналишда таҳлил этилган.<sup>14</sup>

Битирув малакавий ишда юқорида келтирилган манбаларни назарда тутиб, ушбу мавзуу маҳсус тадқиқот обьекти сифатида илмий таҳлил этилди.

### **3-Асосий қисми**

### **МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ ВА УНИНГ РИВОЖИ**

Маънавий маданиятнинг негизини ташкил қиласидиган илм маърифат унинг даражасига ва таъсири хар бир даврнинг ижтимоий- иқтисодий тузуми билан белгиланади. Бироқ маънавий маданиятнинг моҳиятини намоён этувчи обьект шахс хисобланиши бу масалани ҳал этишда мамлакатимизда жорий этилган узлуксиз таълим тизими катта аҳамият касб этишини кўрсатади.

Маънавият соҳасидаги бўшлиқни тўлдириш, ўқувчи-ёшларни умумжаҳон фан-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган, маънавий маданиятли инсонлар қилиб тарбиялаш учун И.Каримов айтганларидек

<sup>13</sup> Даминова З.Ш. XIX аср охири - XX аср Термиз шаҳри тарихи. т. ф. н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2004, 3 бет.

<sup>14</sup> Турсунов С.Н ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. -Т.: 2004, Шарқ, 605-бет

“янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалдга ошириш лозим бўлади. Бунда ўзбек ҳалқининг ва республика худудида яшовчи бошқа халқларнинг миллий тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибаси таълим тарбия тизимимизга узвий равишида киритилиши зарур.”

1

Жамият тараққиёт этган сари маънавий маданиятининг шакли, қамрови, таъсир кучи ҳам ўзгариб боради. Бундай ўсишни жамият ривожланишининг тезлашиши, ижтимоий муносабатларнинг холати талаб этади. Жамият тараққиётининг обектив талабига биноан тарихий жараёнда шахс маънавий ўсиши ижтимоий-иктисодий ривожланишга нисбатан тезроқ амалга ошиши керак. Зотан муайян даврнинг маънавий маданиятда, ҳар бир ижтимоий ходисада бўлгани сингари, унинг қолоқ томонлари ва айни вақтда шу даврнинг умумий тафаккур даражасидан ўзиб кетадиган илғор фикрлар, қарашлар ва назариялар ҳам бўлади. Маънавий маданиятнинг давр талаб-эҳтиёжларига боғлиқлиги диалектик жараён бўлиб, у ички зиддиятларига эга бўлгани холда, унинг асосий белгилари инсоннинг ички ва ташки дунёсида намоён бўлади. Шахснинг ички маънавий дунёси маънавий эҳтиёж, маънавий қизиқиши, маънавий фаолият ва маънавий қадрият каби каби асосий белгилар тизимидан иборат бўлиб, улар ўзаро боғлиқдир.<sup>1</sup>

Шахснинг маънавий эҳтиёжи маънавий қизиқиши вужудга келтиради, у шахс фаолияти жараёнида намоён бўлади ва натижада маънавий қадрият юзага келади. Шу ўринда бир нарсага алоҳида эътибор қаратиш керакки, ўзбек ҳалқининг этник хусусиятларидан келиб чиқиб ҳар қандай маънавий маданият ва қадриятни шакллантиришда аввало оила сўнгра бошқа ижтимоийлашув институтлари (маҳалла, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари) субъект сифатида намоён бўлади. Ҳар бир ҳалқ ёки миллат даставвал тарихий –маданий бирлиги билан аралашиб, ўзига хос хусусиятларини сақлаб келган. Айрим этнослар у ёки бу эҳтиёжларини қондиришдаги фаолияти ва услуги билан кўзга ташланади. Масалан, узок тарихий давр давомида ерга тўшаб ёки курсига ўтириш, таомни қўлда ёки

қошиқ билан исътемол қилиш, хар хил ичимликларни ва озиқ-овқат турлари билан кийим-кечак ва уй рўзгор буюмлари, ўзаро ўзаро мулоқотдаги хусусиятлари (саломлашиш ва меҳмон кутиш) бола тарбияси, урф-одатлари, маросимлари каби жуда кўп миллий-маданий хусусиятлари билан нафақат айрим этнослар хатто баъзи этник гурухлар ҳам ажралиб туради. Жаҳонда ҳеч бир миллат ёки этник жараён соф бир хилда намоён бўлмайди. Чунки ҳозиргача битта ҳам аралашмаган соф миллат ёки халқ йўқ ва бўлмаган.<sup>1</sup> Шу нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак, ўзбек халқининг маънавий маданияти ривожланиш жараёнида ҳам бошқа халқларга хос хусусиятлар пайдо бўлади. Шунингдек, ўзбек халқига хос ижтимоий хусусиятлар жаҳон цивилизациясига улкан таъсир кўрсатган. Этногенез ва этник тарихни, яъни муайян халқларнинг келиб чиқишини ўрганмай туриб, унинг тарихини мукаммал яратиш мумкин эмас, шу билан бирга этногенез муаммосини фақат ёзма манбалар асосида ўрганиш ҳам етарли эмас. Ўзбек халқининг келиб чиқишини унинг этноними билан боғлаш асоссиз эканлиги, одатда халқ тарихи унинг номидан қадимий эканлиги масаласи ҳали тарих соҳасидаги жуда кам ўрганилганлигини ҳисобга олиб, мамлакатимиз ҳудудида яшаган аждодларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти, этник таркиби, қўшни давлатлар ва халқлар билан алоқаси ўлмас тарихий манба сифатида ўз ечимини кутиб туриди. Бу холат жамиятда рўй берадиган ижтимоий воқеийлик бўлиб, маданиятлар алмашинувини таъминлаган холда, замон ва макон тараққиётiga салмоқли хисса қўшади.

Умумхалқ маданиятининг таркибий қисми бўлган халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни халқнинг маънавий тараққиётида ўзига хос ўрни бўлиб, унда ҳар бир халқнинг миллий маданияти, қолаверса ижтимоий турмуши ўз аксини топган. Шунингдек, халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни халқнинг тарихи, турмуш тарзи, урф-одатлари ўзига хос бадиий ифодаланган бўлиб, халқ миллий руҳиятини мужассамлаштирган. Бу эса шу халқда халқпарварлик, ватанпарварлик каби хислатларни шакллантиришда

муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан халқ оғзаки ижодиёти дурдоналаридан бўлган «Алпомиш» достони ҳақидаги Президентимиз И.А.Каримовнинг куйидаги сўзлари фикримиз исботидир: «Алпомиш» достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва хақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиласиз қўргонини қўриқлашга, дўсту ёrimизни, орномусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовуздан химоя қилишга ўргатади».

Сурхон воҳаси аҳолиси Ўзбекистоннинг бошқа ҳудуд аҳолиси каби тарихий тараққиётнинг турли босқичларини босиб ўтган. Воҳа аҳолиси халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни ҳам шу сингари қадимий бўлиб, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Воҳа аҳолиси оғзаки ижодиётида халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни, ривоятлар, маталлар, эртаклар, қўшиқлар, достонлар ҳамда мақол ва топишмоқлар ўзига хос тарзда шаклланиб ривожланиб келган. Халқ оғзаки ижодиётида достончилиги халқ театрининг ўзига хос ўрни бўлиб, минг йиллик тарихга эгадир. «Қарлуқлар ҳудудида яшовчи кўчманчи, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ чорвадор қабилаларида оғзаки ижод катта ўрин тутган. Булар анъаналарни, урф-одатларни, умуман турмуш тарзларидағи барча томонларни авлоддан-авлодга оғзаки ўтказиб келганлар: йирик халқ достонларини яратганлар». «Дода кўркуд» достони VII-VIII асрларда хазарларда мавжуд бўлган, деган фикр мавжуд. Ушбу достон ilk бор Марказий Осиёда яшовчи туркий халқлар орасида вужудга келган бўлиб, кейинчалик Гарбий Турк хоқонлиги даврида, Волга бўйларига Еттисувдан кўчиб бориб ўрнашган Дулу қабиласига мансуб гуруҳдар билан бирга (VII аср) бориб қолгандир. Шунингдек, «Ўғузнома» достони IX-X асрларда пайдо бўлган.

Сурхон воҳасида ҳам халқ оғзаки ижодиётида халқ театр ва фольклор этнографик дасталарининг маънавий тараққиётдаги ўрни қолаверса баҳшичилик ўзига хос тарзда ривожланган. Воҳада учта Шеробод, Бешқўтон

ва Кофрун достончилик мактаблари бўлиб, бу мактаблар орасида Шеробод достончилик мактабида устоз-шогирдлик анъаналари кучли бўлган. Чунки, Қашқадарё воҳасининг Дехқонобод, Қамаши, Кўкбулоқ ҳудудларида ижод қилган бахшилар ҳам Шеробод достончилик мактаби вакиллариридир. Шунингдек, Сурхон воҳаси бахшилари таъсирида Тожикистон ҳудудидаги лақай бахшилари ижодидаги кўпгина достонлар шаклланган.

Шерободда Қосимқўр номли машхур достончи яшаб ўтган бўлиб, Шеробод достончилик мактабининг йирик вакили Шерна (Шерназар) Бердиназар ўғли (1855-1915) шу кишининг шогирди бўлган. Шунингдек, шу даврда Холмурод Қосим ўғли, Алим юзбоши каби бахшиларнинг ҳам устозидир. Бироқ, XX асрнинг 30 йилларида Собиқ Шўролар даврида ҳалқ оғзаки ижодиёти қолаверса достончилик ўша давр мафкураси тазиики билан чеклаб қўйилган эди. Сурхон воҳаси бахшилари «Алпомиш», «Гўрўғли», «Бева Барчин ёхуд Барчин бека», «Авазнинг туғилиши», «Малла савдогар», «Кунтуғмиш», «Нурали», «Ҳасанхон» «Олтин қовоқ», «Аваз ва Ойзайнаб», «Ойпарча», «Авазхон», «Зандигор» каби кўплаб достонларни куйлаб келганлар.

Сурхон воҳаси аҳолиси ижтимоий майший турмушида ҳалқнинг руҳий куч қувват олиши, маънавий ривожланишида ҳалқ орасида оғиздан оғизга ўтиб келаётган ривоятлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотларимиз жараёнида ахборотчилардан кўплаб ривоятлар ёзиб олиндики, бу ривоятлар ҳалқнинг этник келиб чиқиши, ватанга муҳаббат, дўстлик, мардлик ҳамда ҳалқнинг ижтимоий-майший турмуши ҳақидаги ғояларни ўзида мужассамлаштирган. Тадқиқ этилаётган даврда воҳа аҳолиси «Ҳазрат Али», «Бобо Равшан» каби қисса ва достонларни ривоят шаклида айтиб келишганлар.

### **Маданий ривожланиш жараёнида маданий-маърифий муассасаларнинг фаолияти**

Мамлакатимиздаги маданий - маърифий муассасаларнинг фаолияти ҳақида фикр юритганда, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларидағи ибратли ишларни эътироф этиш лозим. Термиз ва унинг атрофи кўҳна маданият, нодир санъат, гўзал меъморчилик, шеърият ва адабиёт азал-азалдан тараққий этган макон. Термиз шаҳрининг буюк намояндлари - алломалар, маърифатпарварлар, мутафаккирлар, санъат арбобларининг номлари жаҳон цивилизацияси тарихига олтин ҳарфлар билан битилган. Ҳозирги Сурхондарёнинг истеъдодли усталари, мусиқачилари, шоирлари, қўшиқчилари, рақкос ва раққосаларининг маҳорати аждодларнинг тарихий-маданий мероси асосида сайқал топмоқда. Термиз турли тадбирлар ўtkaziladigan maъrifij-madaniy markazga ailaniib bormoqda. Bu erda ikki yilda bir bor Markaziy Osiё baxshi shoirlari hamda oqinlarinинг Xalқaro festivали bўlib utadi.

Термизда маданий-маърифий ва театр-томуша муассасалари кўп. Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқа драма театри улар орасида етакчи ҳисобланади. 1935 йилда ташкил топган бу санъат даргоҳи ижодий жамоаси ўтган давр ичida тарихий ва замонавий мавзуда қатор спектаклларни саҳналаштириб, вилоят маданиятини ривожлантиришга ҳисса қўшди. Театр жамоаси репертуари янги драматик асарлар билан бойиб бормоқда. Театр халқаро ва республика миқёсидаги танловларнинг совринли ўринларига сазовор бўлган.

Шаҳарда болалар қўғирчоқ театри ҳамда ҳаваскорлар театри, қатор клублар, санъат саройлари, кинотеатрлар, кўплаб ашула ва рақс гуруҳлари, фольклор-этнографик дасталари фаолияти учун шарт-шароит мавжуд. Вилоятда миллий қўшиқ ва рақс санъати ривожига катта эътибор қаратилди. 1997 йилда Термизда «Ўзбекрақс»нинг вилоят бўлими очилди. Бу жамоалар шаҳар ҳамда вилоят миқёсида ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этишади. Масалан, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида кам учрайдиган “Софим қўшиқлари” (“Хўш-хўш”, “Турей-турей”, “Чурст-чурс”) соғилаётган жониворларни тинчлантириш, эркалаш ва уларни ийдириш мақсадларида

кенг қўлланилган рақс кўринишлари барча туманларда байрам тадбирларида олқишишларга сазовор бўлган, ҳатто республика миқёсида уюштирилган “Наврўз” байрам тантаналарида ҳам муҳлислар томонидан яхши кутиб олинган.

Халқаро музейлар кенгаши аъзоси бўлган Термиз ўлкашунослик музейида 72000 тага яқин нодир экспонатлар сақланмоқда. Музейнинг илмий кутубхонасида 13 мингта қўллёзма ва китоб мавжуд. Шунингдек, вилоят кутубхонаси, Термиз давлат университети, темирийўлчилар маданият уйининг кутубхоналари ҳам китобхонлар хизматида.

Термиз ҳайвонот боғида нодир ҳайвонларнинг 140 га яқин тури мавжуд. У Ўзбекистон Республикасидаги 2-ҳайвонот боғи. Термиз ҳайвонот боғи тажриба - ботаника участкасида 120 турдан ортик ҳар хил мевали ва манзарали дараҳтлар ва буталар ўстирилади. Ҳар йили “Қушлар байрами”, сайллар ўтказилади. 2001 йили Термиз ҳайвонот боғи халқаро андазалар талабига жавоб берадиган тартибда қайта қурилди. Ҳайвонот боғи МДҲдаги барча ҳайвонот боғлари билан алоқаларга эга<sup>15</sup>.

Ҳозир Термиз шаҳрида «Жайхун» нашриёти ва бир нечта газета таҳририяти ишлаб турибди. Шаҳарда жойлашган босмахоналарда «Сурхон тонги», «Заря Сурхона», «Халқ йўли», «Эркин сўз», «Сурхон савдогари»,<sup>””</sup> «Адолат тарозиси», «Маънавият гулшани», «Аёл ва замон», «Жайхун» - Термиз давлат университети хабарномаси ва бошқа газеталар чоп этилади. Вилоят радиоси ўзбек, тоҷик ва рус тилларида эшииттириш олиб боради. Вилоят телевидениеси кўрсатувлари дастури йилдан-йилга кенгайиб, мазмундор бўлиб бормоқда. Бунда «Кўзгу-ТВ», «Ишонч», ва «Адолат-ТВ» жамоат телеканалларининг роли каттадир.

Ҳозир шаҳарда 3 та сузиш ҳавзаси, 2 та теннис корти, 14 та очиқ теннис корти, 20 та волейбол, 16 та баскетбол майдончаси ҳамда қўл тўпи бўйича 10 та майдонча ва бошқа спорт майдончалари мавжуд. Термизда спортнинг 17 тури бўйича ихтисослашган 8 та спорт мактаби иш олиб бормоқда, уларнинг

<sup>15</sup> Қаранг: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.3. – Тошкент: 2001. – Б. 391-392.

тўгаракларига 6000 дан ортиқ ўқувчи мунтазам қатнашиб келмоқда. Шаҳар спорт қўмитасининг иккита спорт мактабида футбол, волейбол, баскетбол, кўл тўпи, теннис, қураш, эркин қураш, каратэ ва спортнинг бошқа турлари бўйича тўгараклар ташкил қилинган.

Шаҳарда 27 мингдан зиёд аҳоли, жумладан, 12 минг нафар аёл жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланади. 5 мингдан зиёд шаҳар аҳолиси спорт тўгаракларига қатнашади. Уларга 200 нафардан ортиқ профессионал спорт мутахассислари раҳбарлик қиласди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси соврини учун 2001 йил 17-20 майда ўтказилган қураш бўйича республика чемпионатида сурхондарёлик йигит-қизлар биринчи ўринни эгаллашди. Ўзбек қурашининг бутун жаҳонда тобора оммалашиб боришида сурхондарёлик мутахассислар ҳамда спортчиларининг хизмати жуда катта. Миллий қураш бўйича Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлиланган мусобақа ҳамда Ўзбекистон Президентининг соврини учун спортнинг шу тури бўйича халқаро мусобақалар илк бор Термизда ўтказилгани қувонарли ҳолдир. 1999 йили Термизда ўтказилган халқаро турнирга “Осиё” номи берилди.

## **Театрда ва халқ этнографик дасталарида мусиқайий оҳогларни тарибиявий аҳамияти**

Ҳаётга назар ташласак мусиқий таълим-тарбия фақатгина саънаткорлик маданий- маърифий соҳа касб эгаларининг фаолиятлари билангина чегараланиб қолмайдиган фаолият эканлигига гувоҳ бўламиз.

Барча замонларда ўз даврининг этук намоёдалари: ёзувчилар, шоирлар, ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанларнинг илфор вакиллари мусиқа ва қўшиқ саънатининг шахс ривожланишида қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини такидлаб ўтганлар. Кўплаб ўз касбининг моҳир мутахассислари: Ўзбекистон халқ хофизлари Фахриддин Умаров, Алижон Эркаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тожиддин Муродов, Хожиакбар Хамидов ва бошқалар

эгаллаган соҳалари бўйича машҳур бўлиш билан бир қаторда мусиқий таълимни ҳам юқори даражада эгаллаганлар, бадъий дид ва маданият соҳиблари бўлишга эришганлар. Олиб борган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики мохирлик билан ижро этилган мусиқа саънати инсоннинг рухиятига таъсир этиш орқали унинг саломатлигининг тикланишига меҳнат қобилятининг ошишига, иш унумдорлиги ва сифатининг юқори бўлишига, жамоада, умуман инсоннинг соғлом турмуш тарзини амалга оширишида жуда катта хисса қўшар экан.

Мусиқа саънати билан ошно бўлган инсонларда бузғунчилик, хасадгўйлик, тажавузкорлик, қўполлик, жангарилик, вайронкорлик каби салбий хислатлар деярли бўлмайди чунки мусиқий таълим тарбия фақат инсонни эзгуликка, чиройли ахлоқий фазилатларга чорлайди. Мусиқий таълим-тарбиянинг инсон учун жозибадорлиги шундан иборатки, унинг мазмунида бутун бир ҳалқнинг, миллатнинг урф-одатлари, анъаналари удумлари, хаёт тарзи, руҳий кечинмалари, орзу-умидлари, миллий қадрятлари сингиб кетган. Биргина фолклор-этнографик йўналишни оладиган бўлсак, ундаги ижро услублари инсоннинг бутун вужудига нафас оладиган хаводек озуқа бериб, унинг маънавиятини юксалтиришга, ундаги ватанпарварлик, юртпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, иймонли-эътиқодлилик каби бир қадар ижобий инсоний хислатларнинг шакиллантиришида жуда муҳим ахамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда ҳар бир инсон унинг ёшидан қатъий назар мусиқа санъатига яқин бўлса ўзи ва жамият учун фақат фойда келтиради.

## **Халқ достонларининг пайдо бўлиши**

Ўзбек фольклоршунослигига Булунғур, Нарпай, Кўрғон, Хоразм, Шахрисабз, Шеробод каби йирик достончилик мактабларидан ташқари, Қамай, Пискент, Қулбуқон, ўзбек-лақай ва бошқа шундай марказлар ҳам маълум. Улар репертуарлари, услуби, маълум ижод тамойили ва ижро усулларига кўра бир-биридан ажralиб туради. Масалан, XIX асрда Қашқадарё, Қамаши туманининг Қамай қишлоғи билан боғлиқ Қамай Достончилик мактаби мавжуд бўлган. Бу мактаб Дехқонобод ва Ғузор туманлари атрофида яшовчи Абдукарим Жуйруқ (XIX аср), Мулла Холназар ўғли (1910 йил вафот этган), Бозор Шерқул ўҳли (1887-1953), Ҳазратқул бахши Худойбердиев (1920 йилда туғилган) каби 60 га яқин бахшиларни бирлаштирган. Улар Шахрисабз достончилик мактаби билан ижодий ҳамкорликда бўлган. Қамай Достончилик мактаби вакиллари халқ достонларининг лирик йўнаалишига алоҳида эҳтибор беришган. Улар поэтик шакллар тараққиётида Шеробод достончилик мактаби вакилларига нисбатан илгарилаб кетганлар. Қамай достончиларидан “Нуралининг ёшлиги”(1272-1977), “Хонимой”(1963) ва бошқа достонлар ёзиб олинган.

Пискент Достончилик мактаби Берди бахши номи билан боғлиқ. Мазкур мактаб лирик йўналишга мойил, баъзи жиҳатдан Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ота-боболари асос солган Кўрғон достончилик мактаби бахшиларига яқин поэтик услугга эга бўлган. Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақай бахшилари Данфара туманининг Жорубкўл қишлоғи билан боғлиқ. Ҳайбат Шамол ўғли (XIX аср), Тўла Ҳайбат ўғли (1884-1966), Мустафоқул Қундуз ўғли (1883-1966), Шомурод Шамол ўғли (1883-1964) ва бошқа бу мактабнинг ъистеъдодли вакилларидан ҳисобланган. Бу бахшилар репертуарининг асосини “Гўрўғли” достонлар туркуми ташкил қилган. Уларнинг матни ниҳоятда қисқа.

Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ҳудудида Кўлбуқон Достончилик мактаби шаклланган. Ҳайдар Бойча ўғли, Раззоқ Қозоқ ўғли, Усмон Маматқул ўғли, Бўри бахши, Маллавой Ҳошимовлардан ёзиб олинган

халқ оғзаки ижоди намуналари бу мактабга Булунғур достончилик мактаби таъсири кучли бўлганлигини кўрсатади.

**Шерна Бахши** – Шерназар Бекназар ўғли (1855 – Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Азон қишлоғи – XX аср 1-ярми) – бахши, достончи. Шеробод достончилик мактаби вакили. Бахшилар оиласида (**45-бет**) туғилган, 9-10 ёшларидаёқ дўмбира чалиб, куйлай бошлаган. Сўнг шерободлик Косим (шоир) бахшига шогирд тушган. Шерободдагина эмас, Сурхондарё, Қашқадарёда, ҳатто Тожикистон ва Туркманистонда ҳам машҳур бўлган. Репертуарида 50 дан ортиқ достон, термалар, дўмбира куйлари бўлган. Шерна бахши Умир бахши (Сафаров), Ражаб бахши Нормурод ўғли, Юсуф Ўтаган ўғли, Мардонқул Авлиёқул ўғли каби 20 дан ортиқ шогирд етиштирган. Халқ Шерна бахши ҳақида ривоятлар тўқиган.

**Бахшичилик мактаблари.** Шахрисабз достончилик мактаби — XX аср бошларигача ўзбек достончилигига мавжуд бўлган ўзига хос ижрочилик йўли. Бу мактабнинг айrim хусусиятлари улкан халқ бахшиси Абдулла Нурали ўғли ижоди ва репертуарида сакланиб қолган. Шахрисабз достончилик мактабига мансуб бахшилар достонларни шўх, қувноқ, кўтаринки руҳда куйлашлари, куйларининг ёқимлилиги билан ажralиб турганлар. Абдулла шоир XIX асрнинг шахрисабзлик машҳур достончилари Хидир шоир, Эрназар шоирлар билан боғлиқ бўлган Ражаб шоирнинг шогирдидир. Абдулла шоир ижроси фольклоршунослар томонидан кўп кузатилган бўлсада, унинг репертуаридаги 10 дан ортиқ достон деярли ёзиб олинмаган. Шоирдан умрининг сўнгги йилларида ёзиб олинган «Алпомиш» достони у куйлаб келган вариант хусусиятларини ўзида мукаммал сақлай олмаган. Бироқ унинг бошқа бахшилардан фарқ қилувчи ижро усуллари Шахрисабз достончилик мактаби ҳақида муайян тасаввур бера олади.

**Шеробод достончилик мактаби** — Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг бир неча туманлари, Тожикистон ва Туркманистоннинг жанубий сарҳадларида етишиб чиқсан юзлаб бахшиларни бирлаштирган достончилик мактаби. Сурхондарё ва Қашқадарёда достончилик

анъаналарининг изчил ривожланиши бугунги кунларда ҳам давом этмоқда. Шунинг учун ҳам бу мактаб вакилларидан XX асрнинг 40-йилларида ёзиб олинган достонларда достончиликнинг нисбатан қуи босқич унсурлари, бадиий тафаккурнинг унча ривожланмаган шакллари учрайди. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб эса анъаналарнинг муайянлаша бориши, маълум маънода китобийликка интилиш кучаяди. Бунда истеъодли халқ баххиси Қодир Раҳим ўғлиниң (1936-1985) хизматлари катта бўлди. Шеробод достончилик мактабидан Қосимқўр, Шерна Бекназар ўғли, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Умир Сафар ўғли, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Нурали Боймат ўғли, Мамадрайим бахши, Юсуф Ўтаган ўғли, Эшқобил бахши, Бўрибой Аҳмедов, Қодир Раҳим ўғли каби ўнлаб достончилар етишиб чиқди. Бугунги кунда Хушбоқ Мардонақулов, Шоберди Болтаев, Бобораҳим Маматмуродов, Қора ва Чори Умировлар, Қаҳҳор Қодир ўғли, Абдуназар Поёнов каби бир қанча бахшилар достончилик анъаналарини давом эттироқдалар. Бу мактаб вакилларидан ёзиб олинган «Олтин қовоқ», «Малла савдогар», «Зайдқул», «Олоназар Олчинбек», «Ойчинор», «Шерали», «Келиной» каби қатор достонлар Ўзбекистоннинг бошка жойларида яшаб ўтган бахшилар репертуарида учрамайди.

## СУРХОНДАРЁ ТЕАТРИ

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят ўзбек давлат мусиқали драма театри — Ўзбекистоннинг етакчи театрларидан бири. 1935 йил 5 ноябрда Афандихон *Исмоилов* саҳналаштирган «Ғолибият» спектакли билан Термиз шаҳрида очилган. Тошкент ёш томошабинлар театрдан келган бир гурӯҳ санъаткорлар театр асосини ташкил қилдилар. Театр директори этиб Р. Бобожонов, бош режиссор А. Исмоилов, бош рассом Н.Т.Малишевскийлар тайинланди. *О.Фаёзова, М. Ҳамирова, К. Муслимова, З. Олимов, Т.Зоҳидов, М. Умарова, X. Аъзамов, Н. Азизов, Қ. Тўлаганов* ва бошқалар театрнинг илк актёрлариридир. Жарқўрғон к-з—с-з театри ҳам Сурхондарё театрига бирлаштирилди (1936). 1930 йилларда театр репортуаридан ўзбек драматургларининг ижтимоий

ҳаёт, коллективлаштириш, турли кучларга қарши қураш рухида ёзилган асарлари ўрин одди: «Рустам» (У. Исмоилов), «Гулсара» (К.Яшин), «Уйғониши» (Н.Сафаров), «Майсарапининг иши» (Хамза), «Аршин мол олон» (У. Ҳожибеков), «Фарҳод ва Ширин» (А. Навоий) ва бошқалар.

Театр 2-жаҳон уруши йилларида оғир синовдан ўтди. Театр жамоасининг бир қисми урушга жўнади. Нишон Ҳодиметов, Обид Рихсиев, Обид Иброҳимов, Қаюм Тўлаганов, Муҳаммад Шермуҳамедов, Нурмат Азизов каби санъаткорлар жанг майдонларида ҳалок бўлдилар. Фронт ортида қолган қисми— З. Олимов, А. Олимова, Ҳ. Муҳиддинов, Ҳ. Бобохонова, Т. Латипова, А. Толипов, М.Ҳамирова, О. Фаёзова, К. Муслимовалар эса турли мавзуларда асарлар саҳналаштирилар: «Фронт» (А.Корнейчук), «Бой ила хизматчи» (Хамза), «Тоҳир ва Зухра» (С. Абдулла), «Нурхон», «Офтобхон» (К.Яшин) ва бошқалар. 1942 йил театр репертуарини яхшилаш мақсадида Денов к-з—с-з театри Сурхондарё театрига қўшилди. 1943 йилда театрда студия очилди. Театр жамоаси рус ва украин режиссор ва актёрлари билан ижодий мулоқотда бўлди. Уруш йиллари улар Термиз шахрига эвакуация қилинган эди. Харьков оперетта театри артист ва режиссрлари Термиз театри қошидаги ўзбек студиясига мураббийлик қилдилар. «Уйланиш» (Н.Гоголь), «Скапенниңг найранглари» (Ж.Мольер), «Она» (Уйғун), «Ёрилтош» (Ш. Саъдулла), «Муҳаббат» (Туйғун), «Ота рози» (Ҳ. Ғулом), «Муҳаббат ғунчаси» (Ғ.Мухторов) каби спектакллар билан театр репертуари бойиди.

1948 йилда иқтисодий қийинчиликлар туфайли театр вақтинча Бухоро театрига қўшиб юборилади.

1957 йилда театр қайта тикланиб, Сурхондарё вилоят ўзбек давлат мусиқали драма театри деб номланди. Вилоят бадиий ҳаваскорларидан тузилган театр ижодий жамоаси дастлабки йилларда томошабинларга манзур спектакллар яратса олмади. 1958 йил авваллар Термиз театрида ишлаган Ҳ. Бобохонова, Ҳ. Муҳиддинов (Каттақўргон театрдан), С.Нурматов, А. Раҳматов, Н. Пардаев ва б. театрга таклиф этилди. Айни бир пайтда Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатганлардан А.Қосимов,

3. Солиева, С. Лутфуллаев, Э. Каримов, Р. Каримова, А. Номозовлардан иборат истеъдодли ёшлар келиб қўшилишиди. Театр қисқа вақт ичида ўз репертуарини яхшилади. «Биринчи муҳаббат» (Х. Воҳит), «Хавфли учрашув» (И. Стаднюк), «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Нурхон» (К. Яшин), «Пилла ая» (Туйғун), «Олтин болта», «Гули сиёҳ» (С. Жамол), «Дўстлар», «Қотил» (Уйғун), «Зарафшон қизи» (Д. Файзий) каби спектакллар муваффақият қозонди. «Гулсара» (К. Яшин), «Қотил она» (И. Аҳмедов), «Аяжонларим» (А. Қаҳҳор), «Хижрон алангаси» (З.Фатхуллин), «София таронаси» (Хугаев), «Вьетнам тонги» (Г. Ким), «Олтинdevор» (Э. Воҳидов), «Қизбулоқ фожиаси» (Т. Тўла), «Беш кунлик куёв» (Шухрат), «Сирли кун» (Д. Валиев), «Сепсиз қиз» (А. Островский), «Момо ер, (Ч.Айтматов)», «Бир ўликка бир тирик» (А. Иброҳимов) каби тўлақонли спектакллар билан ўз мавқенини янада мустаҳкамлади. 1974 йил театр жамоасига М. Абдуқундузов, З. Отабоева, К. Бурҳонов, Э. Абдуқодиров, Д.Солиҳова ва бошқалар келиб қўшилди. 1977 йил театр жамоаси оталифида Жарқўрғон, Музработ, Узун халқ театрлари очилди.

1978 йил театрга Маннон Уйғур номи берилди. Ўша йили театр жамоаси рус тилида спектакллар қўйди («Куёв ва келин», «Майсаранинг иши», «Ҳамма билан биргалиқда», «Аёллар ҳаётидан» ва бошқалар).

Мустақилликдан сўнг бу театр саҳнасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Кўпроқ тарихий мавзуга, маҳаллий драматургияга эътибор кучайди, комедиялар, эртак-спектакллар, ўзбекона урф-одатларга қурилган асарларга кенг ўрин берилди: «Қамашган қўзлар» (И. Отакулов), «Юлдуз сўнди» (Н.Ҳайитқулов), «Адиг Собир Термизий» (Н. Пардаев), «Садоқатли арвоҳ» (Х. Мақсадқулов), «Олифта» (Ф. Мусажонов), «Узокдан келган куёв» (Х. Расул), «Темир хотин» (Ш. Бошбеков), «Хотинлар ҳазили» (Х. Мухаммад), «Жононга бордим бир кеча» (Ҳамза), «Қорбобо ва ялмоғиз» (И. Ниёзматов), «Сехрли узук» (М. Қодиров), «Ўчмас чироқ», «Ўлим ҳалқаси» (М. Бобоев), «Уйқусиз тунлар» (Р. Орифжонов), «Осмонсиз уй» (Ш. Пардаев) ва бошқа Х. Бобохонова, М. Маҳмудова, Р.Маматалиев, А. Номозов, А. Нарзуллаев,

Г.Равшанова, Й. Мирқурбонов, Х. Орипов ва бошқа театрнинг етакчи актёрлари дидир. Театрнинг бош режиссори ва бадиий раҳбари Мансур Равшанов.

Сурхондарё қўғирчоқ театри 2001 йил 26 ноябрда ташкил этилган. Театр «Туякуш-боёқуш» (П.Мўмин) спектакли билан очилган (2002). 240 ўринли залига эга. «Дўстлар» (А.Жамол), «Ўрмонда янги йил», «Абдулла қувноқ ҳангомалари» (Т. Қобилов), «Ялмоғизга алла — қуёнвойга тилла» (З. Шасутдинова шеърлари асосида) каби спектакллар саҳналаштирилди. Театр фойесида рассом Рўзи Чориев расмлари галереяси жойлашган бўлиб, рассомнинг портрет, пейзаж жанрларига мансуб жами 55 асари қўйилган.

## ИШЧИ-ЁШЛАР ТЕАТРИ

Ҳаваскорлик ва ярим-профессионал театр тури. 20 йилларнинг 2- ярми, 30- йилларнинг бошида кенг тарқалган. Тошкентда 1929 йил рус, 1930 йил ўзбек Ишчи-ёшлар театр очилди. Бу тетрнинг репертуари сиёсий ташвиқот ҳарактерида бўлиб, спектаклларда мусиқа, рақс, ҳазил-мутойibalар билан кундалик ҳаёт акс эттирилди. Ижро чилилар, асосан, ишчи йигит ва қизлардан иборат бўлган. Ишчи-ёшлар театрининг спектакллари ярим ипровизация харктеридаги сценарийлар асосида қурилиб, ҳақиқий драматургия, мумтоз меросдан чекинишга, схематизмга, юзакиликка ва актёрлик ижро маданиятининг сусайишига олиб келади. 1932 йил 23- апрелдан йирик профессионал даражадаги Ишчи-ёшлар театр давлат театрига айлантирилди. Ҳаваскорлик жамоалари эса касаба уюшмалари ихтиёрига ўтказилди.

Европача типдаги тоҷик театр дастлаб 1919 йилда Хўжандда, кейинчалик Конибодом, Ўратепа ва Исфарада ҳаваскорлик театрлари тарзида пайдо бўлди. 1929 йил Душанбада ҳаваскорлик тўгарагида Тоҷик давлат драма театри номи билан 1-профессионал театр (хозирги Лоҳутий номли театр) ташкил

етилди. 1932 йил Хўжандда мусиқали драма театри иш бошлади. Уларда замонавий мавзудаги асарлар саҳналаштирилди. А. Усмоновнинг «Кураш», К. Яшиннинг «Ёндирамиз», Ж.Икромийнинг «Душман», М. Турсунзоданинг «Хукм», М. Аминзоданинг «Шараф» пьесалари кўрсатилди. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си асосидаги «Рустам ва Сухроб», жаҳон мумтоз драматургиясининг «Отелло», «Макр ва муҳаббат» асарлари Лоҳутий номли театр саҳнасида намойиш этидди. Актёрлардан М. Қосимов, Л. Зоҳидова, Т. Фозилова, А. Бурҳонов, Х. Раҳматуллаев, Г. Валламатзода, Б. Тожибоева, балет раққосаси М. Собирова ва бошқа машҳур. Рудакий номидаги Хоруғ ва С. Вализода номидаги Кўлоб мусиқали драма театрлари жамоалари Тоҷикистонда театр санъатининг ривожига муҳим ҳисса қўшдилар.

## ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ

Ўзбек фольклоршунослигида Булунғур, Нарпай, Қўргон, Хоразм, Шахрисабз, Шеробод каби йирик достончилик мактабларидан ташқари, Қамай, Пискент, Қулбуқон, ўзбек-лақай ва бошқа шундай марказлар ҳам маълум. Улар репертуарлари, услуби, маълум ижод тамойили ва ижро усулларига кўра бир-биридан ажralиб туради. Масалан, XIX асрда Қашқадарё, Қамаши туманинг Қамай қишлоғи билан боғлиқ Қамай Достончилик мактаби мавжуд бўлган. Бу мактаб Дехқонобод ва Ғузор туманлари атрофида яшовчи Абдукарим Жуйруқ (XIX аср), Мулла Холназар ўғли (1910 йил вафот этган), Бозор Шерқул ўҳли (1887-1953), Ҳазратқул бахши Худойбердиев (1920 йилда туғилган) каби 60 га яқин бахшиларни бирлаштирган. Улар Шахрисабз достончилик мактаби билан ижодий ҳамкорликда бўлган. Қамай Достончилик мактаби вакиллари халқ достонларининг лирик йўнаалишига алоҳида эҳтибор беришган. Улар поэтик шакллар тараққиётида Шеробод достончилик мактаби вакилларига нисбатан илгарилаб кетганлар. Қамай достончиларидан “Нурагининг ёшлиги”(1272-1977), “Хонимой”(1963) ва бошқа достонлар ёзиб олинган.

Пискент Достончилик мактаби *Берди бахши* номи билан боғлиқ. Мазкур мактаб лирик йўналишга мойил, баъзи жиҳатдан Эргаи *Жуманбулбул* ўғлининг ота-боболари асос солган *Кўрғон достончилик мактаби* бахшиларига яқин поэтик услугга эга бўлган. Жанубий Тожикистанда яшовчи ўзбек-лақай бахшилари Дангара туманинг Жорубкўл қишлоги билан боғлиқ. Ҳайбат Шамол ўғли (XIX аср), Тўла Ҳайбат ўғли (1884-1966), Мустафоқул Қундуз ўғли (1883-1966), Шомурод Шамол ўғли (1883-1964) ва бошқа бу мактабнинг ьистеъодли вакилларидан ҳисобланган. Бу бахшилар репертуарининг асосини “*Гўрўғли*” достонлар туркуми ташкил қилган. Уларнинг матни ниҳоятда қисқа, ихчам.

Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани худудида Кўлбуқон Достончилик мактаби шаклланган. Ҳайдар Бойча ўғли, Раззоқ Қозоқ ўғли, Усмон Маматқул ўғли, Бўри бахши, Маллавой Ҳошимовлардан ёзиг олинган халқ оғзаки ижоди намуналари бу мактабга Булунғур достончилик мактаби таъсири кучли бўлганлигини кўрсатади.

**ШЕРНА БАХШИ** – Шерназар Бекназар ўғли (1855 – Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Азон қишлоғи – XX аср 1-ярми) – бахши, достончи. *Шеробод достончилик мактаби* вакили. Бахшилар оиласида (**45-бет**) туғилган, 9-10 ёшларидаёқ дўмбира чалиб, куйлай бошлаган. Сўнг шерободлик Қосим (шоир) бахшига шогирд тушган. Шерободдагина эмас, Сурхондарё, Қашқадарёда, ҳатто Тожикистон ва Туркманистанда ҳам машҳур бўлган. Репертуарида 50 дан ортиқ достон, термалар, дўмбира куйлари бўлган. Шерна бахши Умир бахши (Сафаров), Ражаб бахши Нормурод ўғли, Юсуф Ўтаган ўғли, Мардонқул Авлиёқул ўғли каби 20 дан ортиқ шогирд етиштирган. Халқ Шерна бахши ҳақида ривоятлар тўқиган.

## ШЕРОБОД ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ

Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг бир неча туманлари, Тожикистон ва Туркманистоннинг жанубий сарҳадларида етишиб чиқсан юзлаб бахшиларни бирлаштирган достончилик мактаби. Сурхондарё ва Қашқадарёда достончилик анъаналарининг изчил ривожланиши бугунги кунларда ҳам давом этмоқда. Шунинг учун ҳам бу мактаб вакилларидан XX асрнинг 40-йилларида ёзиб олинган достонларда достончиликнинг нисбатан куйи босқич унсурлари, бадиий тафаккурнинг унча ривожланмаган шакллари учрайди. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб эса анъаналарнинг муайянлаша бориши, маълум маънода китобийликка интилиш кучаяди. Бунда истеъододли халқ бахшиси Қодир Раҳим ўғлининг (1936-1985) хизматлари катта бўлди. Шеробод достончилик мактабидан Қосимқўр, Шерна Бекназар ўғли, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Умир Сафар ўғли, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Нурали Боймат ўғли, Мамадрайим бахши, Юсуф Ўтаган ўғли, Эшқобил бахши, Бўрибой Аҳмедов, Қодир Раҳим ўғли каби ўнлаб достончилар етишиб чиқди. Бугунги кунда Хушбоқ Мардонақулов, Шоберди Болтаев, Бобораҳим Маматмуродов, Қора ва Чори Умировлар, Қаҳҳор Қодир ўғли, Абдуназар Поёнов каби бир қанча бахшилар достончилик анъаналарини давом эттирмоқдалар. Бу мактаб вакилларидан ёзиб олинган «Олтин қовоқ», «Малла савдогар», «Зайдқул», «Оллоназар Олчинбек», «Ойчинор», «Шерали», «Келинай» каби қатор достонлар Ўзбекистоннинг бошқа жойларида яшаб ўтган бахшилар репертуарида учрамайди.

**Шоберди бахши Болта ўғли.** Бўлажак бахши 1963 1965 йилларда ҳарбий хизматда бўлди, ҳарбий хизматдан қайтгач, ўзининг жонажон Мунчоқ қишлоғидаги Нодира номли мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Шоберди 1968 иили Термиз Давлат педагогика институти бошланғич таълим услубиёти факультетининг сиртқи бўлимига ўқишга кирди ва уни 1972 йидда тамомлади. Шобердининг бахшичилик фаолияти айрича жиҳатларга эга. Унинг ижодига тааллуқпи терма ва достонларнинг мавзуи ва мазмуни

фалсафий мушоҳадаларга бой ҳамда долзарб муаммоларни қамраб олиши билан ўта муҳимдир. Унинг ижод бисотига тегишли «Алпомиш», «Олтин қовоқ», «Кунтуғмиш», «Малла савдогар», «Сулувхон», «Санамгавҳар», «Ойпарчи» достонларини эл севиб тинглайди ва бу достонларни бахши мароқ билан куйладиди. Бахшининг «Меҳмондур», «Тилар», «Нима ёмон», «Кунларим», «Дўмбира», «Оипари» ва бошқа талай термалари аллақачон эл олқишига сазовор бўлган асарлар қаторига киради. Шоберди терма айтадими, достон куйладими, ҳаммасини юракдан куйладиди, куйлаганда ҳам сел бўлиб куйладиди ва барчани ўзига маҳлиё этиб дўмбирасини сайратади.

**Абдуназар бахши Поён ўғли** (1952) кейинги йилларда Сурхондарё достончилик мактабининг забардаст вакилларидан бири сифатида ўзининг хуш овози, сержило сози билан элюрт орасида обрў топди. У 2003 йили «Ўзбекистон ҳалқ баххиси» унвонига мушарраф бўлди, бу эса унинг кучигакуч, ғайратигағайрат қўшди. Абдуназар бахшининг «Турсун мерган ва Рамазон чобоғон» достонлари 2000 йили «Меҳнат» нашриётида чоп этилди, уни Ахмад Эшқурбон оқقا кўчирган. Бундан ташқари шу достонлардан айrim парчалар олимлардан Малик Муродов ва Абдуолим Эргашевлар тайёрлаган «Алпомишнома» (1999) тўпламидан ҳам ўрин олган. Яқинда бахшининг «Давронқул полvon» (2003) номли достони босмадан чиқди. Достон «Алпомиш авлодлари» туркуми сирасига тегишли ва унда тоғли Хомконда туғилиб вояга етган Даврқул, унинг полvonлик ва чобоғонликдаги (чавандоз) довруғи, бу борада унинг бутун бошли Жанубий Ўзбекистонда машхурлиги ҳикоя қилинади. Мазкур достон, бир сўз билан айтганда, бахшининг мустақиллик йилларидағи ижодий изланишларининг самараси дейиш мумкин. У куйлаган «Алпомиш» достони ўзига хослиги билан ажралиб туради, зеро, ҳар бир бахшининг ўз «услуби, ўз усули бўлганидек, бу ҳодисадан Абдуназар бахши ҳам четда турмайди.

Яна шундай ижодкорлардан бири **Жуманазар Улуғов** (1947) бўлади. У моҳир муаллим, уста тадбиркор, шоир ва бахши, ажойиб оила

бошлиғи, борингки, жами яхши сифату фазилатлар унда жамулжам. Бахши халқнинг дилидагини куйлади, зотан, бахшилар ўз халқнинг фидойиси, орномуси ва ҳалоллик намунасиdir. Бахши халқнинг дилигина эмас, балки тили ҳамдир, бахши дўмбирани булбулдай сайратади, дўмбира ўз оҳанглари орқали халқ тарихини хониш қиласи. Жуманазар бахши устод бахшиларнинг анъаналарига содик, уларнинг сабоғига қатъий амал қиласи, у достон куйлаганда эл тўйини обод, улус кўнглини шод қиласи. У достон айтиш билан бирга бадиий ижодга ҳам мойил, қундалик матбуотда унинг термаларидан ташқари, шеърлари ва ҳажвиялари эълон қилиб турилибди. Унинг «Авазхон ва Саёнхон» (1991) достони нашр этилган. Бу достон «Гўрўғли» туркум достонлар сирасига тааллуқли бўлиб, унда Гўрўғлининг фарзанди Авазхон ва унинг қадрдон дўсти Саёнхон воқеалари нақл қилинади.

Сурхон воҳаси бахшилар, чопогонлар ва полвонлар юти, шундан бўлса керак, бу элнинг тўю томошаси баххисиз, кўпкарисиз, улоқсиз ва курашсиз ўтмайди. Элимиз тўйига, юртимиз тантанасига ўз куйқўшиқлари билан зеб бериб келаётган, воҳа бахшилар анъанасини янги усулларда жилокор қилаётган, Шеробод достончилик мактабининг янги авлод вакили **Шодмон бахши Хўжамберди ўғли** (1967)дир. Шодмон ёшлигидан қўлига дўмбира ушлади, термалар айта бошлади, истеъоди ва иқтидори туфайли эл оғзига тушди, тўйҳашамларда сидқидилдан хизмат қилди. 2003 йилнинг май ойида ўtkazilgan «Бойсун баҳори» халқаро фестивали доирасида «Бахшишоир ва оқинлар»нинг халқаро III фестивали иш бошлади. Ана шу анжуманда қўлида соз, минг турфа овоз, хонишларида юксак парвоз билан Шодмон бахши ҳам иштирок этди ва нуфузли ҳакамлар ҳайъати, айни Шодмон бахшини фестивал ғолиби деб эълон қилди.

Ҳа, Сурхон воҳасида қизаёллар ҳам достон куйлади, дўмбира чалади. Ўзбекистонда ҳозирча ягона ана шундай аёл бахшиларимиздан бири бу **Зулхумор Шерназаровадир**. У 1971 йили Жарқўргон туманида туғилган, 1988 йили ўрта мактабни тамомлаган, шу кунларда мактабда муаллималик

қилмоқда. Зулхуморда бахши шоир бўлишга ички бир интилиш ёшликтан бор эди, бу унинг бехос қўлига дўмбира олишига туртки бўлди. қараса, қўли дўмбираага келишиб бораяпти, овози ҳам ёмон эмас, ўзига яраша жозибага эга. У илк сабоқни акаси Омон бахшидан олди, кейинроқ Шоберди бахши, қора бахши ва марҳум қодир бахшилардан достончиликбахшичиликдан таълим ўрганди. Зулхумор устози қора бахши ўргатган «Алпомиш»ни ички бир эпкинли ва нозик туйғулар билан куйлади.

Воҳанинг яна бир ёш иқтидорли баххиси **Рўзибой Турсунов** (1964). Шерободнинг Кампиртепа қишлоғида туғилиб вояга етган Рўзибой достончилик сирасорларини отаси Жаҳонгир Турсуновдан ўрганган, отаси дўмбирани турли усулларда сайратар экан. Бахши томонидан «Алпомиш», «Гўрўғли», «Авазхон», «Сулувхон», «Келиной», «ғубонак», «Ойпари», «Малла савдогар» каби достонлар севиб куйлаб келинмоқца. Шунингдек, «Сурхондарём», «Мустақил Ўзбекистон», «Устозим ҳақида», «Дўмбира мақтови», «Шеробод ҳақида», «Гуллаяшна Ўзбекистон» номли термалари тингловчиларга анча манзур бўлди.

Вилоятда қўп йиллардан буён воҳа халқ оғзаки ижодиёти намуналарини тўплаш, уларни нашр эттириш билан шуғулланиб келинмоқда. Бу соҳада фольклоршунос олимлар қишлоқ ва овулларни кезиб ёдкаш, зукко қариялар билан учрашиб, улардан халқимиз ўтмишини, рухиятини, кайфиятини, маросимларини, удумларини, ҳар хил қизиқарли ўйинларини акс эттирувчи терма, қўшиқ, мақолматалларни ёзиб олиб, тўпладилар. Олимлардан X. С. Оқбўтаев, қ. У. Мамашукоров (марҳум), Р. Б. Мустафоқулов, журналист Н. Тўраевлар самарали ишларни амалга оширдилар. Айниқса фольклоршунос олим Р. Мустафоқулов (1946) халқ оғзаки ижодининг ўлмас намуналарини жамлашда баракали меҳнат қилмоқда. Унинг саъиҳаракати самараси ўлароқ, Чорша бахши Раҳматулла ўғлидан «Тошбосар», (1998), «Хурсўна» (1999), Хушбоқ бахши Марданақул ўғлидан «Соқибулбул» (2002) достонлари ёзиб олиниб, нашр ишлари амалга оширилди ва китобхонларга тақцим этидци. Олимнинг халқ оғзаки

ижоди соҳасидаги изланишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Бу йўналишда у қатор рисолалар яратди, чунончи, «Халқ педагогикаси сарчашмаси» (1995), «Алпомиши» талқинлари» (Б. Ёриев билан ҳамкорликда, 2000) шулар жумласидандир.

### **Мусиқанинг театр ва кинодаги ижодий аҳамияти**

Мусиқали драма - 1) мусиқа (вокал ва ҷолғу) ҳамда сўз санътига асосланган саҳна асари, мусиқали театр жанри. Илк намуналари Шарқ (масалан, 5-аср Хиндистон, 121- аср Хитой)да шаклланган. Мазкур жанр Озарбайжонда 20- аср бошида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1920- йилларда вужудга келаган. Мусиқали драмада саҳна воқеалари, қаҳрамонларнинг ички ва кечинма ҳолатлари, ўзаро муносабатлари сўз, мусиқа, драмматик ҳаракат, шунингдек, рақс орқали ифодаланади, мусиқа ва сўз бир – бирини тўлдириб, асар мазмунини очишга хизмат қиласи. Ўзбекистонда Мусиқали драма жанри 1910-20 йилларда миллий адабий - бадиий томошаларида мусиқадан фойдаланиш тажрибалари, шунингдек, озарбайжон театрининг мусиқали драмматик спектакллари мухум роль ўйнади. Ҳамзанинг “Хой ишчилар”, “Қармоқ”, “Қузғунлар” каби инсценировкалари, “Фаргона фожеаси” тетралогияси; Ғулом Зафарийнинг “халима” пьесаси; Ҳуршиднинг Навоий достонлари асосида яратилган “Фарход ва Ширин” ва “Лайли ва Мажнун” асарларида Мусиқали драманинг ўзига ҳос жиҳатлари мустаҳкамлана бошлади. Ўзбек Мусиқали драмаси ўз тараққийтида бир неча даврни босиб ўтди. Даставвал пьесага мос мусиқа материали ҳалқ ижодида саралаб олинган бўлса, 1930- йилларнинг бошида С. Абдулланинг “Пўртана”, М. Муҳаммедов ва К. Яшиннинг “Ичкарида” каби замонавий асарлари саҳналаштирилганида ҳалқ мусиқа мероси намуналарини қайта ишлашга урғу берилган. Ўзбек бастакор ва композиторлари Мусиқали драма мусиқасининг ифодавий имкониятларини кенгайтиришди. “Лайли ва

Мажнун” (Навоийнинг шу номли достони аосида Хуршид либреттоси; Т. Содиқов ва Н. Миронов мусиқаси), “Фарход ва Ширин” (Навоий-Хуршид, В. Успенский), “Гулсара” (К. Яшин; Р. Глиэр) каби Мусиқали драмалар шулар жумласидандир. Мусиқали драманинг адабий ва мусиқа жиҳатидан юксалишида драматурглардан К.Яшин, С.Абдулла ва бастакор Т. Жалиловнинг хизматлари катта улар қаламига мансуб “Нурхон”, “Равшан ва Зулхумор” (К. Яшин, Т. Жалилов), “Тоҳир ва Зухра”, “Алпомиш”, “муқимий”, “Гул ва Наврӯз” (С. Абдулла, Т. Жалилов) каби етук Мусиқали драмалар мавжуд. 1950- йиллардан бошлаб бу жанрда мустақил ижод қилувчи ўзбек композиторлари етишиб чиқди: М. Левиев, А. Мухамедов, С. Бобоев, Ҳ. Рахимов, Ик. Акбаров, Д. Зокиров, Д. Соатқулов, С. Жалил, М. Юсупов, С. Ҳайитбоев, М. Бафоев, М. Махмудов, Ф. Олимов ва бошқаларлар. Улар ўзбек мусиқа мероси, Европа профессионал мусиқа услуби, ифода воситалари ва шакллари (жумладан, ария, дуэт ва бошқалар ансамбллар, хор ва рақс саҳналари) га таяниб, ўз Мусиқали драмаларида ҳақиқий мусиқий драматургия хосил қилишга интилишди. Драматург, композитор ва ижрочиларнинг малакаси ошиши натижасида Мусиқали драма замонавий профессионал мусиқа драматик жанр даражасига кўтарилди ва ўззига ҳос хусусиятларга эга бўлди. “Ватан ишқи” (З. Фатхулин, ШАҲРИ Саъматов, қиссаси асосида Т. Тўла инсцеровкаси; И. Акбаров мусиқаси), “Навоий Астрободда” (И. Махсумов; Ю. Ражабий, С. Жалил), “Промитей” (Ю. Мацинкявичюс; М. Бафоев), “Юсуф ва Зулайҳо” (Р. Бобожон; Ф. Олимов), “Кумуш шаҳар маликаси” (И. Султон; Ик. Акбаров) каби Мусиқали драмалар бунга мисолдир. Соф драмма каби Мусиқали драма ҳам мусиқали драмма, мусиқали фожеа, мусиқали комедия каби турларни ўз ичига олади. Ўзбек композиторлари ижодидан катта ўрин олган мусиқали комедиани мусиқашунослар мустақил жанр сифатида тадқиқ қиласидилар; 2) операнинг дастлабки номларидан бири (италянча *dramma in musica?* *Dramma per(la) musica*). 16- арс охири 17- аср бошларида Италия (масалан, К. Монтеверди ижоди)да пайдо бўлган. 1939 йилда пайдо бўлган янги “опера” номи

Мусиқали драма қренини эгаллай бошлаган. 19- аср ўрталарида Р. Вагнер ўзининг юксак мусиқали-драмматик ривожига эга бўлган “Нибелунглар узиги” тетралогияси, “Тристан ва Изольда”, “Парсифаль” операларини Мусиқали драма деб таърифлаган, М. Мусоргский эса “Борис Гудунов”, “Хованщина” каби асарларини халқ Мусиқали драмалари деб атаган.

**Мусиқали комедия-** кулгили, ҳажвиймазмун асосида (французча водевиль, немисча зингшпиль, италянча буфф опера оперетта каби) яратилган мусиқавий саҳна асари. Таркибан мусиқали драммага яқин бўлсада, лекин унда мусиқий тили ва ҳажвий мазмуни билан ажralиб туради. Бу жанрнинг илдизлари қадим замонларга, Шарқ ва Ғарб халқларининг оғзаки иодиёти, қизиқчи ва мазхарабозлар саъатига бориб тақалади. Ўзбекистонда Мусиқали комедия юзага келиши, мусиқали драмманинг жадал ривожи, мавзу доирасининг кенгайиши билан узвий боғлиқ. Дастлаб (1920- йиллар охирида) ҳажвий сюжетга асосланган мусиқали спектакллар қўйилиб, уларга мусиқаларни режиссёр (баъзан драмматург) лар ўзбек халқ куй ва қўшиқ (хусусан лапар, ялла) ларидан танлашган. Хамзанинг “Қармоқ” ва “Майсаранинг иши”, К. Яшиннинг “Ажи-ажи”, Хуршиднинг “Ёмон ўғил”, “Туллак”, “Баҳор”, Халилнинг “Ошиқлар”, С. Абдулланинг “Узунқулоқли ҳазрат” каби асарлари шу тарзда саҳналаштирилган. 1940 йиллар охирида ўзбек Мусиқали комедияси мустақил жанр сифатида шаклланди. Асардаги мавзу ва ғоя ҳажвий – юмористик вазият, ҳолат, харакмонанд мусиқа (якка қўшиқ, ашула, хор ва рақсбоп куйлар) воситасида ифодаланди: халқ театри хусусиятлари, диалогларда асқия анъаналарига кенг таянилди. Уйғун ва М. Левиевнинг “Олтин кўл” (1949) асари Мусиқали комедиянинг ilk юксак намунасидир. 50-60- йилларда Мусиқали комедияга эътибор кучайиб, мазкур жанр ўзбек бастакор ва композиторлари ижодидан мустахкам ўрин эгаллади. Масалан, Ҳ. Ғулом пьесалари асосида М. Левиев “тошболта ошиқ”, “Ажаб савдолар”, Ғ. Ғулом пьесаси асосида “Замонали ва Омонали”, Ҳ. Мухаммад пьесаси асосида “Тошкентнинг нозанин маликаси”, Ж. Жабборов пьесалари заминида Ик. Акбаров “ўжарлар” ва “Йиллар ўтиб”, Туроб Тўла пьесаси

асосида “Қизбулоқ”, К. Шанғитбоев асари асосида А. Мухаммедов “Жон қизлар” Мусиқали комедиялар яратилган. Кейинчалик М. Тожиев (“Чол ва кампир”), М. Махмудов (“Хийлаи шаърий”, “Тўйлар муборак”), М. Бафоев (“Еттинчи жин”), Ф. Олимов (“Сойибхўжа операцияси”, “Суперқайнона”) каби композиторлар Мусиқали комедияжанрида муваффақиятли ижод қилишган.

**Мусиқали фильм** - кино ва телевидения асари; унда мусик асосий ўринни эгаллаб, фильмнинг жанри ва драмматик қурилишини белгилайди, сюжет ривожланиши, асар ғояси ва қаҳрамонлар ички днёсини очишга хизмат қиласди. 20 йилларнинг охирида овозли кино билан бир вақтда Мусиқали фильм ҳам ривожлана бошлади. Ривожланишнинг турли босқичларида Мусиқали фильмнинг тузилиши ўзгариб борди. Драмматургия, мусиқа вокал, хореография ва ижрочилик санъати синтези турли кўринишларда шакилдана бошлади.

Биринчи Мусиқали фильм АҚШ (“Жаз хонандаси” ва бошқаларлар)да, кейинчалик Германия (“Табассумлар мамлакати”, “Кўршапалак” ва бошқаларлар)да яратилган. 30- йилларга келиб Мусиқали фильмнинг асосий жанрлари – лирик кинокомедия, фильм- рею, оперетта, опера, балет шаклланди.

Ўзбекистонда Мусиқали фильм яратиш 40- йиллардан бошланди. 2- жаҳон уруши йилларида яратилган фильмларнинг аксариятини фильм-концертлар ташкил этди. “Фильм-концерт” (ЙИЛ Аъзамов), “Фронтдаги дўстларга”, “Ватан совғаси” (К. Ёрматов), “Беш республика концерти” (З. Собитов) ва бошқаларлар. Шулар жумласидан. “Доира рақсга чорлайди”, “Мусиқий торларимиз сири” фильм- концертлари, “Дилбарим” фильм-комедияси, “Дилором” биринчи ўзбек фильм операси, “Жонланган миниатюралар” (“Суҳайл ва Мехри”, Л. Файзиев; М. Левиев) фильм- балети ва бошқаларлар фильмдан мусиқадан ўринли фойдаланишга, мавзуга ҳамоҳанг эктан тилини кашф этишга муваффақ бўлдилар. “Ўзбектелефильм” да яратилган “Шашмақом” (Т. Акромов), “Менга қўшиқ чизиб бер” (Л.

Иноземцева), “Мен балерина” (ШАҲРИ Махбубов) каби фильмларда миллий маъданиятни, қзликни англаш, қадриятларимизни эъзозлаш ва янги ижодий изланишлар кўзга ташланди. Анъанавий ўзбек айтим (вокал) ва чолғу мусиқа санъатини тиклаш ва ривожлантиришни тарғиб қилувчи “Хива вақти билан соат еттида”, “Бойсунда қор эриганда”, “Қалбингда халқ оҳангларини эъзозла” каби фильм-концертлар ўзининг миллийлиги билан ажралиб туради. 1987 йил Ўзбекистон телевидениясида биринчи бор “Тўмарис” (режиссёр Н. Махмудов; У. Мусаев) телебалети қўйилди. “Майсарапинг иши” (М. Абзалов), “Юлдузимни бер, осмон” (Ф. Давлетшин), “Монолог”, “Севги қўшиғи” (Баҳодир Зокиров), “Меш полвон” (М. Абзалов) ва бошқаларлар кейинги йиллар яратилган энг яхши Мусиқали фильmlардир.

## **СУРХОН ВОҲАСИ ТЕАТРИ, ЭТНОГРАФИК ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТИ НАМОЯНДАЛАРИ**

Сурхондарё вилоятининг табиати, танти одамлари, ноёб осори атиқаларини тарғиб қилишда Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориевнинг хиссаси катта бўлди. Рўзи Чориев томонидан яратилган кўплаб тасвирий санъат асарларида вилоят табиати, одамлари акс эттириб берилди. Рассом янги-янги асарлар билан тасвирий санъатимиз хазинасини янада бойитди. Вилоятда Мустақиллик йилларида ижодкор талантли ёш йигит ва қизларнинг иқтидорларини номоён қилиш мақсадида «Ўзбекистон келажаги болалар нигоҳида» номли расмлар чизиш бўйича кўрик танлов ҳам ўтказилди. Кўрик танловда 2003 йилда Жарқўргон, Музрабод, Сариосиё, Шўрчи, Қизириқ туманларининг ўқувчилари юқори натижа кўрсатди ва Республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритдилар. Улар Республика босқичида фаол иштирок этишиб, Халқ таълими Вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғаларини қўлга киритишли. 2003 йилда Жарқўргон туманидаги 28-мактабнинг 7 синф ўқувчиси Сафаров Умиджон

Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика босқичидаги «Улугбек юлдузлари» танловида ўзининг чизган расмлари билан иштирок этиб, энг иқтидорли ўқувчи сифатида тан олинган ҳолда Республика бадиий академиясига имтиёзли равишда ўқишига қабул қилинадиган бўлди.

Мустақиллик йилларида вилоят санъаткорлари воҳа санъатини дунёга ёйишда тинимсиз меҳнат қилдилар. Жумладан, Бойсун туманининг «Шалола» (1969 йилда «Халқ театри унвони»ни олган) дастаси қатор хорижий мамлакатларда ижодий сафарда бўлиб, кўп минг сонли муҳлислар таҳсинига сазовор бўлди. «Қуралай», фольклор этнографик ансамбли ижодий жамоаси; Узун тумани Б.Омонов номидаги ширкат хўжалигидаги «Роҳат» ашула ва рақс дастаси; Узун тумани К.Алиев ширкат хўжалигидаги «Райҳон», Жарқўрғон тумани Тўхта Шобуров ширкат хўжалиги қошидаги «Дилрабо», Сурхон ширкат хўжалигидаги «Сурхон гуллари», Шўрчи тумани маданият уйининг «Кумуш тола», Олтинсой тумани Паҳтакор ширкат хўжалигининг «Оқар булоқ тонги», Хўжаипок ширкат хўжалигидаги «Лола», Денов тумани И.Тўраев ширкат хўжалигидаги «Навниҳол» ва Сариосиё тумани маданият уйи қошидаги «Шодиёна» номли ашула ва рақс дасталари ҳам истиқлол йилларида ўз ижодлари билан Республика аҳлига танилдилар. Вилоятнинг Сайёра Қозиева, Ҳосила Раҳимова, Маҳмуд Намозов, Равшан Намозов, Рустам Маҳмудов каби хушвоз хонандалари Республика миқёсида ўтказилаётган барча санъат тадбирларида ва байрамларида ўз репертуарларида янги-янги қўшиқлар билан иштирок этмоқдалар.

2002 йил 25 майдан бошлаб, Бойсун туманида «Бойсун баҳори» халқаро очиқ фольклор фестивали ҳар икки йилда бир маротоба ўтказиб келинмоқда. 2002 йилда ўнга яқин хорижий мамлакатлардан санъатшунос, фольклоршунослар, тарихчилар, либос дизайнерлари иштирок этаётган санъат анжумани маданий хаётимизда муҳим воқеа бўлди. Бу фольклор фестивали ЮНЕСКО томонидан инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси сифатида эътироф этилди. Бу жаҳондаги шундай нуфузга сазовор бўлган манзиллар ичida ўн тўққизинчисидир. Мустақиллик туфайли

маънавий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳам вилоятда маънавият ва маърифатни янада юксалтиришга қаратилгандир. Айниқса «Алпомиш» достонининг 1000 йиллик тўйининг 1999 йил 6 ноябрда ЮНЕСКО ҳамкорлигига кенг миқёсида нишонланиши вилоят маданий хаётида чуқур из қолдирди. Байрам тантаналарида Республика Президенти И.А.Каримов маъруза қилиб, ҳамда Сурхондарёнинг баҳшичилик санъати анъаналарига юксак баҳо берди. Президентнинг бевосита ташаббуси билан «Халқ баҳшиси» унвони таъсис этилиб, бу юксак унвонга биринчи бўлиб Ўзбекистонда Шоберди баҳши Болтаев сазовор бўлди. «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги муносабати билан «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси томонидан суратга олинган икки қисмли «Алпомиш» бадиий фильмида Сурхондарёлик спорт устаси Азамат али Қаландаров Алпомиш ролини яратди. 1995 йил декабрда «Ўзбекистон ватаним маним» мавзуидаги қўшиқ кўрик танлови малакатимизнинг ҳамма вилоят, шаҳар ва туманларида қўтаринкилик билан ўтказилди. 2003 йил март ойида Термизнинг «Баҳор» концерт залида «Ўзбекистон-Ватаним маним»-деб аталган қўшиқ танловининг биринчи босқичи бўлиб, бу Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига қарашли муассасалар ўртасида ўтказилди. Кўрик танловда болалар боғчалари тарбияланувчиларидан мамлакатдаги Олий ўқув юртлари талабалари ҳам иштирок этди. Кўрик қатнашчилари она Ватан гўзаллиги, унинг истиқлонини мадҳ этган қўшиқлари, таникли бастакорлар, шоирлар ва Халқ таълими Вазирлигининг етакчи мутахассисларидан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди. Умуман кўрик танловнинг биринчи босқичида 54 мингдан зиёд санъаткор қатнашди. 10 мингдан ортиқ қўшиқлар ижро этилди. Сурхон воҳасида ҳам бу кўрик танлов учун ҳар йили танлов ўтказиш, воҳанинг Жарқўргон туманида 1999 йилда З та жанр бўйича (миллий фольклор эстрада) ҳамда «Бахшилар танлови» бўйича байрам ўтказилиб, туман бўйича «Ўзбекистон Ватаним маним» кўрик танлови ғолиблари аниқланди. Биринчи ўрин Нажмиддин Жононовга («Садо» гуруҳи), иккичи

ўрин Абдулла Саидов (мактаб ўқувчиси), учинчи ўрин Сафар Кўрбонов (шаҳар мусиқа мактабидан), Норбўта Жумаев («Мураббий дастаси»)ларига берилди. Танловда 1-2 ўринни олганлар ва бахшилар ичида ғолиб деб топилган Ўрол Худойқулов Вилоят босқичига йўл олди.

2000 йил 26-27 июн кунлари Тошкент шаҳрида Республика Олий ўқув юртлари ўртасида бўлиб ўтган «Ўзбекситон-Ватаним маним» қўшиқлар кўрик танловида Термиз давлат университети талабалари ҳам иштирок этишиб, фахрли 4 ўринни эгаллаб қайтдилар. Халқижодиёти ва маданий-маърифий ишларни янада ривожлантириш мақсадида вилоятдаги барча маданият муассасаларида фаолият кўрсатаётган бадиий раҳбарларнинг иш савияси ва билим доираларини кенгайтириш, уларни ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи бадиий раҳбар қилиб камол топтириш, ёш авлодни ғоявий эстетик руҳида тарбиялаш мақсадида олиб борилган ишлар ўз самарасини берди. Жумладан, 2002 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳрида ўтказилган фольклор-этнографик жамоаларининг Республика кўрик танловида Олтинсой тумани Вахшивор қишлоқ клуби қошида ташкил этилган «Шаршара» фольклор-этнографик жамоаси II ўринга, 2003 йилда ўтказилган «Алла» ижро чиларининг олтинчи анъанавий кўрик танловининг вилоят босқичи деб топилган Жарқўргон тумани бадиий жамоаси кўрик танловининг Наманганд шаҳрида ўтказилган Республика босқичида фахрли 2 ўринга сазовор бўлдилар.

## **ТЕАТР ВА ЭТНОГРАФИК ЖАМОАЛАРДАНИНГ МАЪНАВИЙ ТАҲЛИЛИДА МИЛЛИЙ КУТУБХОНАЛАРНИ ИШТИРОКИ**

Кутубхоналар ўртасида Республикада ўтказилган кўрик танловда вилоятдаги кутубхоналар муваффақиятли фахрли ўринларни эгаллаб, жумладан, 1995 йилда «Кутубхона ва маҳалла» Республика кўрик танловида Шўрчи тумани марказлашган кутубхона тизимиға қарашли 19 тармоқ

кутубхонасичи Менгнора Мўминова биринчи ўринни, 1996 йилда «Кутубхона ёшлар камолотида» Республика кўрик танловида Шўрчи туманидаги марказлашган кутубхоналар тизимиға қарашли 23-тармоқ кутубхонаси кутубхоначиси Зулхумор Холбоева ҳам фахрли биринчи ўринни, 1998 йилда «Ёш кутубхоначи» номли Республика кўрик танловида Денов шаҳар болалар кутубхонаси мудираси Дилрабо Шукурова фахрли иккинчи ўринни, 1999 йилда «Кутубхона оила хизматида» Республика кўрик танловида Узун туманидаги 24- қишлоқ тармоқ кутубхонаси кутубхоначиси Гулсуной Одинаева биринчи ўринни, 2001 йили «Йилнинг энг яхши сценарийси» Республика кўрик танловида Шўрчи тумани марказлашган кутубхона тизими болалар кутубхоначиси Озодахон Турдиева биринчи ўринни, 2002 йилда «Энг яхши оиласи китобхон» Республика кўрик танловида Музрабод тумани марказлашган кутубхона тизими оиласи китобхона Бобокелдиевлар оиласи Республикада рағбатлантирувчи ўринни, 2002 йилда «Президент асалари билимдони» Республика кўрик танловида Шеробод тумани марказий кутубхонаси китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими кутубхоначиси Турғун Парпиев фахрли учинчи ўринни, «Энг яхши оммавий тадбирлар сценарийси» номли Республика кўрик танловида Шўрчи тумани марказий кутубхонаси услугият бўлими мудири Эътиборхон Мустафоева биринчи ўринни, 2003 йилда «Маҳалла менинг уйим» деб номланган йилнинг энг яхши сценарийси кўрик танловидаги Республика босқичида Шўрчи тумани марказий кутубхонаси китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими мудираси Улғўзи Жўраева фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Кутубхоначилар 1995 йилдан буён ташаббусни қўлдан бермай, вилоятда кутубхона ишларини юқори савияда йўлга қўйиб, 2005 йилда вилоятда Республика Маданият ишлари Вазирлиги тизимидағи кутубхоналар сони 413 тага, китоблар жамғармаси эса 3428825 тани (шундан, 1775223 нусхаси ўзбек тилида) ташкил этди.

2005 йилда вилоят маданият ишлари бошқармаси тасарруфида 146 та клуб муассасалари, 14 та туман маданият уйи, 44 та қишлоқ маданият уйи, 49

та қишлоқ клублари, 32 та автодаъватхона, 3 та шаҳар маданият уйи, 2 та шаҳар клублари мавжуд. Вилоятда 74 та ашула ва рақс дасталаридан 10 таси ашула ва рақс халқ дасталари, 4 та драма халқ театрлари, 2 та қўғирчоқ халқ театрлари фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида замонавий ўзбек адабиётида катта ютуқлар қўлга киритилиб, халққа манзур бўладиган асарлар кўплаб ёзила бошланди. Шоир ва ёзувчилар эркин фикр юритиб, сиёсий ва мафкуравий тазииклардан халос бўлди. Бадиий асарларни яратишда бадиийлик ва умуминсоний, маънавий-рухий қадриятлар, миллий истиқлол ғоялари бош мезон қилиб олинди.

Халқимизнинг миллий қадриятларини, урф-одатларини тарғиб этишда халқимизнинг севимли ижодкорлари Менгнор Олломуродовнинг «Юрагимда йиғлаб турган қиз» (1993) ва «Севги дараҳтининг гули» (1997) шеърий тўпламлари, наср уфқида кескин бурилиш ясаган, ҳатто бу соҳада чинакам ирмоқ бунёд эта олган забардаст бир ижодкор Намоз Эргашевнинг «Ўзанбий авлодлари» (1996), «Ҳалокат жари» (1997) романлари ўзбек адабиётида муҳим ҳодиса бўлди. Унинг қаҳрамонлари қисмати ўта содда ва ўта мураккаб қирраларни намоён этади. Шунингдек, Маҳмуд Абулфайзовнинг «Оти қолган дунё» (1992), «Мард қолур майдон ичинда» (2000), журналист ва ижодкор Абдурасул Жумақулнинг «Юракка сифмаган гаплар» (1993) китобида воҳанинг бугунги кунига ижобий кўз билан қараган. Ҳикояларининг қаҳрамонлари асосан болалар, ёшлар, ўсмирлар бўлган, ёшларнинг севимли ёзувчиси, ўта сермаҳсум ижодкор. Содда ва самимий халқ тилида асарлар ёзган Кўзибой Абдужалиловнинг «Зулайҳо» (1991), «Сенсан севарим» (1992), «Туташ қалблар» (1997) китоблари, миллий адабиётимизни ва шеъриятимизни тарғиб қилишда ўз услубига эга бўлган. Жамила Эргашеванинг «Изҳор» (1992), «Интиқом» (1997), «Таназзул» (1998) номли ҳикоялари кишиларнинг ҳаёт ташвишлари, меҳнати, юмушлари, урф-одатлари, оддий турмуш тарзи воқеаларига бағишлиланган.

Хуррам Райимнинг «Ҳур халқлар шарафи шонисан диёр» номли қўшиғи деновлик истеъдодли хонанда Кибриё Оқилова ижросида «Ўзбекистон-Ватаним маним» Республика кўрик танловида голиб деб топилди. Яна унинг «Интизор боқаман йўлингга» номли лирик ашуласи танловда биринчи ўринни эгаллади.

Ботир Зокиров хотирасига бағишлиб ўтказилган Республика кўрик танлови иштирокчиси Гулимоҳ Мелибоева ижросида «Китобим-офтобим» шеъри «Ўқиши китоби»га киритилди. Халқимизнинг севимли шоири Шафоат Раҳматулло Термизийнинг асарлари Республикаизда машҳур. Унинг «Жануб шамоли» (1981), «Умид остонаси» (1988), «Гулоб» (1992) номли шеърий тўпламлари, 2003 йилда эса «Озод сўз» сайланмаси босилиб чиқди. 1998 йилда «Шуҳрат» медали, 2003 йилда «Эл юрт хурмати» ордени билан тақдирланди. Булар янги давр адабиётининг нодир намуналари бўлиши билан бирга, янги ҳаёт, янгича турмуш тарзи ва истиқболга янгича қарашнинг шаклланаётганидан, миллион-миллион халқимизни истиқлолдек буюк неъматдан баҳраманд этаётганидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида, маънавий-маърифий соҳаларда ижобий ўзгаришлар амалга оширилиб, маънавий меросимизни ўрганишга ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб - қувватлашга, ўзликни англаш, қадрият ва анъаналарни тиклаш, тилга эътиборни қучайтириш, халқ оммаси онгига демократия руҳини сингдириш масаласида катта ишлар амалга оширилди.

## **ТЕАТР ВА ЭТНОГРАФИК ЖАМОАЛАРНИНГ БАДИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ**

Бадиий ҳаваскорликни ривожлантиришда қўшган ҳиссалари учун 1998 йилда Жарқўргон тумани маданият қошидаги «Дилрабо» ашула ва ракс дастаси бадиий раҳбари Норали Алланазаров, 2002 йилда «Бойсун» фольклор-этнографик дастаси бадиий раҳбари Сайёра Қозиеваларга

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди. 2005 йилда воҳага хос қатор рақслари Республика ва вилоят миқёсида ўтказилган кўплаб оммавий тадбирларда саҳналаштирган рақслари ва муносиб ижодий хизматлари учун «Ўзбек рақс» Республика маданият бошқармаси вилоят бўлими бош рақс саҳналаштирувчиси Шоира Қурбонова ва вилоят Республикада ўз қўшиқлари билан барчани мамнун қилаётган овоз соҳибаси Денов тумани Маданият уйи қошидаги «Навниҳол»ашула ва рақс дастаси хонандаси Ҳосила Раҳимовалар «Шухрат» медали билан, Қизириқ туманидан Абдуназар бахши Поёнов «Ўзбекистон халқ бахшиси» унвони билан тақдирландилар.

Вилоят аҳолиси маданияти ва санъатининг нафақат Республикада балки чет элларда ҳам тан олинаётганлиги барчамизга маълум, албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва тўққизинчи марта ўтказилаётган «Ўзбекистон Ватаним маним» қўшиқлар танлови келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор халқини мадҳ этувчи инсонлар қалбида муқаддас ватанини, истиқлонни кўз қорачифидек асраб авайлашга ундовчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларининг юзага келишига кенг имконият яратди. Мамлакатимизнинг бекиёс саҳнаси бўлиб хизмат қилаётган бу байрам тадбирлари нафақат янги асарларни, балки қўшиқчилик санъатида ўз муҳлисларининг меҳр-муҳаббатини қозона олаётган умидли истеъдодларни яратмоқда. Мамлакатимизнинг маънавий ҳаёти янада яхшилашда 1994 йил 23-апрелда қабул қилинган «Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1994 йил 28-июнда Сурхондарё вилояти ҳокимининг Республика «Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг вилоят бўлимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Вилоядта «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бўлимининг ташкил этилиши вилоят маънавий ҳаётида ясалган улкан ўзгаришлар, маънавий ва маърифий тадбирлар, ўлка аҳолисини, юрт тарихини ўрганиш,

миллий қадриятларни чуқурроқ англаш, кишиларни меҳр оқибатли, инсофдиёнатли қилиб тарбиялаш каби жараёнларга алоҳида ҳисса қўшди. Вилоят аҳлига маданий жиҳатдан хизмат кўрсатиш, уларнинг дам олишни мароқли ва сермазмун ўтказишда вилоят телевидениеси газеталари ва радиосининг ҳам ўзига хос хизмати катта. Вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида радио эшиттириш тизими алоҳида ўрин тутиб, Сурхондарёда маҳаллий радио эшиттиришлари 1947 йилда ташкил этилган. Термизлик Қодир Ғуломов ушбу радионинг ташкилотчиси ва биринчи бошловчиси бўлган эди, вилоят радиосида ўзбек, рус ва тожик тилидаги эшиттиришлар эфирга чиқди.

Радио эшиттиришлар 1996 йилдан бошлаб «Қишлоқ ҳаёти», «Маънавият булоқлари», «Аср садоси», «Оlamни асрнг дўстлар», «Инсон ва қонун», «Дугоналар», «Ёшлик», «Ханда» каби янги рукндаги эшиттиришларни тайёрлаб, тингловчилар эътиборига ҳавола қилинди. Вилоят радиосини воҳа санъаткорларининг ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг, мусиқа санъатининг оммалаштиришдаги ўрни алоҳидадир. Вилоят радиосининг фонотика хазинасида воҳа тарихига оид хужжатли адабий ва бадиий мусиқали ҳамда бошқа қимматли ёзувлар саклаб келинмоқда. Вилоят радио комитетига Озод Авлиёқулов (1963-1980 йиллар), Абдулла Холмирзаев (1989-1996 йиллар) каби жонкуяр журналистлар раҳбарлик қилдилар. Сурхондарё телерадио маркази 1990 йилнинг 16 октябрида иш бошлаб, вилоят аҳолиси ва қўшни Тожикистон Республикасининг жанубий туманлари ҳамда Афғонистон Ислом Республикасининг Балх вилояти аҳолиси хонадонларига Сурхондарё телеведениеси орқали ўз кўртувларларини тақдим этди. Сурхондарё вилоят телевидениеси билан биргаликда «Ишонч», «Кўзгу», «Адолат», Денов ва Шеробод шаҳарларида нодавлат, нотижорат телевидениелар ҳам фаолият бошлади.

Сурхондарё воҳасида ижтимоий-иктисодий, маънавий ва сиёсий ҳаётни, унда акс этувчи воқеа ва ҳодисаларни халқимизга ўз вақтида етказиб беришда матбуот нашрларининг ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Вилоятда «Жайхун» нашриёти, «Сурхон тонги», «Заря Сурхана», «Халқ йўли», «Эркин

сўз», «Садои Сурхон», «Жануб вақти», «Адолат тарозиси», «Маънавият гулшани», «Аёл ва замон», «Термиз Давлат Университети», ҳамда туман газеталари мамлакатимизда демократик жамиятни такомиллаштиришда, ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа - ҳодисаларни тарғиб этмоқда. Сурхондарё вилоятида Маданият ишлари Вазирлиги тизимида 413 кутубхона, Маданият ишлари Вазирлиги тизимида кирмайдиган 869 та кутубхона аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Вилоятдаги 15 та марказлашган кутубхоналар тизимлари бўлиб, 14 таси марказлашган кутубхоналар тизимлари ва 1 таси эса шаҳар марказлашган кутубхоналар тизими ҳисобланади. Ушбу марказлашган кутубхоналар тизимида 407 та кутубхона марказлаштирилган бўлиб, шулардан 20 таси болалар кутубхонаси, 11 таси маҳсус кўзи ожизлар кутубхонаси ҳисобланади. Шаҳарларда 41 та, қишлоқларда 372 та, Термиз шаҳри аҳолисига 3 та шаҳар кутубхоналари ва 3 та вилоят кутубхоналари хизмат кўрсатмоқда. 2005 йилнинг июл ойида Қизириқ тумани марказий кутубхонасида «Кутубхона каталогларини таҳлил қилиш ва адабиётларни ҳисобдан чиқариш» мавзусида, Шўрчи тумани марказий кутубхонасида «Ахборот танлаб тарқатиш» мавзусида семинар машғулотлари ўтказилди.

Вилоятдаги адиб Собир Термизий номли кутубхона вилоятдаги 413 та кутубхонага услубий марказ ҳисобланиб, уларга услубий ва амалий ёрдамлар бераб келмоқда. 2005 йилда туман кутубоналарига ёрдам тариқасида «Обод маҳалла-озод ватан таянчи» мавзусида элнинг энг суюкли адиби, шоир Мусо Тошмуҳаммад Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишлиб «Инсон гўзаллигини ўлчовчи шоир», «Faфур Fулом 102 ёшда», Ўзбекситон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллигига атаб «Борлиғимиз сенга бахшида Ватан» мавзуларида услубий қўлланмалар тузилиб, китоб тариқасида тарқатилди.

## **БОЙСУН ФОЛЬКЛОР ЭТНОГРАФИЯ ХАЛҚ ДАСТАСИ ТАРИХИ**

*Бирор қасбу ҳунар орқасидан  
ризқу насибага эга бўлиб  
яшаётган одам, шу касбини  
үзгартирмасун.*

**Ҳадис**

Бойсун туманида қадимий қўшиқлар, рақслар ва урф-одатлар жуда яхши сақланиб қолган бўлиб, буни маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва унинг онгидаги бадиий кўриниши дейиш мумкин.

Бойсун районидаги тоғлик қишлоқларда қадимги табиат фасллари билан боғлиқ бўлган «Мехржон», «Наврўз» каби байрамлар тантана билан ўтказиб келинган. Барча диний эътиқодларнинг ўрнини ягона Ислом дини эгаллагандан кейин ҳам бу қадимий байрамлар ва удумларга исломий Рух берилиб, байрам қилиш давом этган. Бойсун худудида яшовчи аҳолининг энг истеъдодли намоёндалари ушбу байрам ва маросимларда халқимиз ардоқла布 келган санъат учқунлари, қадимий рақслар, қадимий маросим қўшиқлар, қадимий маросимларни ижро этганлар.

Совет ҳокимияти даврида ансамблнинг дастурларида «Миллатчилик ва эскилиқ сарқитлари бор» деб, катта минбардан қоралагани сабабли ансамбл қарийб 10 йиллар давомида ўз фаолиятини сақлаб қолди. Лекин бойсунлик санъаткорлар ўз фаолиятларига содик қолиб, чидам билан қадимий санъатларини йўқолиб кетишига йўл қўймасдан, ижодкорликни давом эттирдилар.

1985-йилда «Совет Ўзбекистонни» газетасида Машхур «Шалола» қаёқка йўқолди?» деган мақола чоп этилди. Бу мақола ансамблнинг келажаги учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Сурхондарё вилояти ва Бойсун тумани раҳбарияти ансамблни тиклаш ишларини қўллаб қувватладилар. Айниқса, Бойсун фирмә қўмитасининг 1-котиби бўлиб ишлаган Алламурод Соатмуродов «Шалола» ансамблини тиклаш ишларига бош-қош бўлди. Ҳамжихатлик билан қилинган ишлар ўз самарасини берди. Ижодий гурух тузилиб, ансамблнинг фольклор ва этнографияга оид программалари қайта тикланди. Ижодий гурухга маҳаллий санъаткор Холик Хурсандов раҳбарлик қилди. Ижодий гурух Бойсун тумани худудидаги қишлоқларнинг қарияларидан қадимий маросимлар, қўшиқ ва рақслар, халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғдилар.

Тошкент Давлат Маданият Институтининг домлалари Саодат Йўлдошева, Баходир Саримсоқвлар бевосита ёрдам ва иштироки билан ижодий гурухнинг тўплаган материаллари илмий ўрганилиб, шу материаллар асосида ансамбл учун дастурлар тайёрланди. Ижодий гурух аъзолари ва олимлар Саодат Йўлдошева, Баходир Саримсоқвларнинг таклифи билан Янги ансамбл ташкил этилиб, унга «Бойсун» фольклор этнография дастаси деган ном берилди. Ансамбл аъзолари ўз олдиларига Ўзбек халқининг йўқолиб бораётган қадимий маданий мероси, қадимий рақслар, қадимий қўшиқлар, қадимий урф-одатлар йиғиб, ўрганиб, қайта саҳнага олиб

чиқищдек мураккаб мақсадни қўйдилар. 1987-йилнинг августъ ойида даста жамоаси Тошкентда бўлиб ўтган «Хужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишлиланган тантанага қатнашади. 1987-йилнинг сентябрида ансамбл Москвада бўлиб ўтган «Ўзбекистон Республикаси кунлари»га таклиф қилинди ва Бутунитифоқ халқ хўжалиги ютуқлари вставкаси майдонида ўз санъатини намойиш қилиб, вставка дипломи ва кўкрак нишони билан тақдирланди. Шундан бошлаб «Бойсун» дастасининг ижодий парвози бошланди. 1987-йилнинг апрел ойида Бутунитифоқ халқ ижодиёти фестивали кўрик-танловииинг республика босқичи Тошкент шахрида бўлиб ўтди. Бу кўрик танловга «Бойсун» дастаси ўзининг «Дехқоннинг бир йили» номли 30 минутлик дастури билан қатнашди. Ушбу фестивалда Республика миқёсида сахнада биринчи марта Ўзбек халқининг қадимий маросими қўшиқлари «Суст-хотин», «Наврӯз», «Хўп майда», «Чорлов», «Лола-сайли», «Яққу-яқ», «Уфу-жақала», «Келгин ёр» каби қўшиқларни ва рақсларни намойиш этдилар. «Бойсун» дастасининг дастури томошабинларга ҳам, ҳакамлар хайъатига ҳам улкан таъсурот қолдирди. Ҳакамлар хайъати «Бойсун» дастасининг ижодини юқори баҳолаб, уни «Олий ўрин» га лойик деб топди.

1987-йил «Бойсун» дастаси учун жуда омадли йил бўлиб, Май-июн ойларида Ўзбекистон телевидениеси режиссори Эдуард Давидов билан ҳамкорликда Бойсун тумани «Бойсун» дастаси дастури асосида «Бойсунда қор эриганда» номли фильм-концерт суратга олинди. 1987 йил июл-август ойларида «Ўзбеккинохроника» студияси режиссори Темурмалик Юнусов бошчилигидаги ижодий гурух билан ҳамкорликда Бойсун дастасининг дастури асосида «Унутилган оханглар» номли фильм суратга олинди. 1987 йил сентябр ойида «Бойсун» фольклор этнография халқ дастаси Афғонистон республикасида ижодий сафарда бўлди. Даста ўз дастурларини қаерда намойиш этмасин, томошабинларнинг олқиши ва тахсинига сазовор бўлди. «Бойсун» дастаси қўшни республикалар ва хорижда ном чиқарди. Даста қошидаги ижодий гурух фаолияти яхшиланиб борди. Даста Янги дастурлар яратди. Дастанинг ижоди ҳақида кўплаб фильмлар, фильм- концертлар яратилди.

Режиссор Умид Ортиқов ва Темурмалик Юнусовлар билан ҳамкорликда «Шарқ бозори», «Қадимий ўйинлар» кўпкари фильмлари суратга олиниб, намойиш этилди. 1987-йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги «Бойсун» дастасига «Халқ ансамбли» унвонини берди.

1988-йил сентябр ойида Москва шахрида «Олтин хўроз» халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди. «Бойсун» дастаси бу фестивалга юксак даражада қатнашиб, фестивалининг 1-даражали дипломи билан тақдирланиб, фестивал ғолиби сифатида Англия қироллигининг Биллингэм шахрида ўтадиган халқаро мусиқа фестивалига қатнашиш хуқуқини қўлга киритди. «Бойсун» дастасининг шуҳрати янада ортди. 1989-йил феврал ойида «Бойсун» дастаси жамоаси Ўзбекистон агитпоезд билан Тожикистон Республикасининг зилзиладан талофат кўрган «Шарора» ва «Окули боло»

қишлоқларида бўлди, ҳамда Сирдарё вилоятининг кўпгина район ва хўжаликларида бўлиб, аҳолига ўз санъатини намойиш қилиб, олқиши олди. 1989-йил май ойида республика фольклор фестивалига қатнашиб яна «лауреат» унвонига созавор бўлди. 1989-йил Тошкент шаҳрида Халқлар дўстлиги саройида Арманистонда зилзиладан талофат кўрган аҳолига ёрдам бериш мақсадида «Хайрия» концертига қатнашди. «Бойсун» дастаси 1989-йилда Қозоғистон Республикасининг Алма-Ата шаҳрида ўтган «Олтин олма» халқаро фестивалига иштирок этиб, юксак соврин билан қайтди. Кейинчалик бу фестивал «Осиё овози» деб номланади ва ҳамюртимиз Равшан Намозов Бойсун қўшиқларини ижро этиб, бу фестивалнинг лауреатлигига созавор бўлган эди. Шу йилнинг ўрталарида «Бойсун» дастаси Тожикистон Республикасининг Марказий телевидениеси орқали ўзининг «Ширу-шакар» деб номланган дастурини намойиш этди. Бундан ташқари Тожикистон Республикасининг Регар шаҳрида ўтган «39-параллел» номли халқаро фестивалда муваффақиятли қатнашди. 1990-йил Ўзбекистон телевидениеси «Наврӯз» тематикасига бағишлиган теле-марафонга мувафақиятли иштирок этди. «Бойсун» дастасининг энг мувафақиятли ижодий сафарларидан бири 1990-йил август-сентябр ойларидағи Буюк Британия бўйлаб ўтган сафари бўлди. Бу сафарда «Бойсун» дастаси Англияning 11 та шаҳрида бўлиб, «Биллингэм халқаро фольклор фестивали», «Милтон Кейнс халқаро мусиқа фестивали» каби Буюк Британияning олтида нуфузли фестивалларига қатнашиб, Ватанимизга фестивал ташкилотчиларининг 6 та раҳматномасини олиб қайтди.

1991- йилда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг эълон қилиниши «Бойсун» дастасининг янада ўсишига сабаб бўлди. Мустақиллик шарофати билан Ўзбек халқининг миллий қадрятлари тикланди. «Бойсун» дастасининг ижодий фаолияти Республикамиз қадриятларига айланди. Дастанинг умуммиллий қадри ошди. Миллий байрамимиз «Наврӯз» нинг тикланиши, миллий маросимларимизни миллий мафкурамизнинг ажралмас қисмига айланиши ҳам даста ижодига ижобий таъсир кўрсатиб, дастанинг янгидан ижодий юксалиши бошланди. «Бойсун» дастаси Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида ўтадиган «Наврӯз» ва «Мустақиллик куни» тантаналарининг доимий иштирокчисига айланди. 1993-йилда Республика ҳокимиятининг ташабbusи билан «Бойсун» дастаси Туркия давлатининг (қадимий Эфес) Селчик курорт шаҳрида ўтадиган халқаро фестивалга қатнашиш шарафига мұяссар бўлди. Бойсун дастасининг тинимсиз ижоди меҳнати Ватанимиз мустақиллиги даврида юксак қадр топди. Ўзбекистон Республикасининг халқаро обрўйи ортган сари хориж мамлакатларининг юртимиз маданияти ва санъатига нисбатан ҳурмат-эътибори кучайди. Даста иштирокчилари бу орада Францияга сафарда бўлиб, ўзбек қадимий санъатини намойиш қилди. 1999-йил апрел ойида халқаро ЮНЕСКО ташкилоти Бойсун туман худудини «Жаҳон халқ ижодиёти дурдонаси» деб эълон қилди. Бу юксак унвоннинг берилишида «Бойсун» фольклор этнография дастасининг хизмати бекиёс бўлди. ЮНЕСКО нинг ташабbusи билан Бойсун туманида «Бойсун баҳори» деб номланган фестивал ташкил

етилиб, 2002-2005 йилларда фестиваллар жуда мувафақиятли ўтказилди. Бойсун худудини тарихи, маданияти, халқ амалий санъати, мусиқа санъати ҳақида илмий текширишлар натижаси бўлган китоблар чоп этилди. Бу фестивалда «Бойсун» дастаси марказий ўринда турди.

«Бойсун» фольклор-этнография халқ дастасининг ютуқлари нимада? Эътибор бериб ўрганилса, «Бойсун» дастаси қадимий маданиятимизнинг дурдоналарини авайлаб асраб келган халқимизнинг юрагининг туридаги орзу умидини ўзида мужассам қилганини кўрамиз. Дастанинг ижодий фаолиятидаги энг мухим ҳолат, унинг йўқолиб кетиши мумкин бўлган қадимий санъатимизни қайта тиклаб, яна халқимиз инъом этди. «Бойсун» ансамбли ўзининг фаолияти давомида халқимизнинг бой меросига катта ҳурмат билан қарашини кўрсатди. Бу ансамбл Республикаиздаги бошқа ансамбллардан репертуари бойлиги, ижро услубининг мукаммаллиги, программаларининг илмийлиги, ижрочиларнинг баланд маҳорати билан ажralиб туради. «Бойсун» халқ дастаси ҳақида республика ва иттифоқ матбуотида кўплаб мақолалар эълон қилинган. Ҳозир ансамблнинг перептуарида ўтмиш меросимизни талқин қилувчи «Хўп майда», «Наврӯз», «Суст хотин», «Лола сайли», «Гап-гаштак», «Гам гаштак», «Бойсун мавриғи», «Турна келди», «Шохмой», «Яққу-яқ», «Уфу» «Бойсунча ёр-ёр» каби ўзига хос программалар бор.

Ансамблнинг энг кекса қатнашчиси Ашурев Хайрулло 75 ёшда бўлса, энг кичик қатнашувчиси Юлдуз Хурсандова 8 ёшда. Бу турли ёшдаги ва турли касбдаги одамларни ўзбек халқининг қадимий маданиятига нисбатан бўлган жонкуярлик, фидоийлик ва ҳурмат бирлаштирган. Ансамбл қатнашувчилари одоби, санъатига нисбатан бўлган эътиқоди билан кўзга ташланиб туради. Дастанинг ижросидаги ҳар бир қўшиқ, ҳар бир маросим, ҳар бир рақс илмий асосланган. Бунда оlimа Саодат Йўлдошева, олим Баходир Саримсоқовлар ва уларнинг шогирдларини бекиёс хизматлари бор. Дастанинг олимлар билан қилган ҳамкорлиги унинг юксак натижаларга эришишига омил бўлди. «Бойсун» дастасининг ижодий фаолияти узлуксиз давом этмоқда. Даста аъзоларининг ҳар бири ёш истеъододлардан ўринбосарлар тайёрлашга ҳаракат қиласи. Ижоднинг давомийлигини таъминлаш учун Бойсун Маданият уйида «Қуралай» болалар фольклор-этнография дастаси тузилган ва бу дастага Тошкент Давлат Маданият Институтини тугаллаган Саттор Қурбонов баддий раҳбар этиб тайинланган эди. «Қуралай» дастаси ҳам тезда ўз ўрнини топиб, болалар дастасининг ижоди Маданият вазирлиги томонидан тақдирланиб, дастага «Қуралай» болалар фольклор-этнография намунали ансамбли» унвони берилди. Ҳозир «Қуралай» болалар дастаси «Бойсун» дастаси билан бир қаторда ижодий фаолият кўрсатмоқда. Ўзбек халқининг қадим-қадим ақидаларини жамлаган халқ ижодиёти сўнмас хазина. Бу хазинанинг бир қисминигина «Бойсун» дастаси қайта жонлантириб, Ўзбек халқига тортиқ қиласи. Хали ўрганилиши лозим бўлган мавзулар кўп. Ўзбек халқининг ижодиёти соҳаси хали кўплаб истеъододли тадқиқотчиларни кутаяпти. «Бойсун» фольклор этнография халқ дастасининг ижодий фаолияти хеч қачон ўз қадрини йўқотмайди. Чунки бу

даста Ўзбек халқининг ўлмас ижодиёти ва санъатининг дурдоналарини ўзида мужассам қилган.

**Абрайқұлов Жұма** - (1939-2006) Бойсун районидаги Пулхоким қишлоғида туғилған. Олий маълумотли ўқитувчи. Чанқовуз чалиш осон эмас. Бунинг учун ижрочи жуда катта рухий ва жисмоний күч сарфлайды. Одамларни ўзига жалб этувчи сирли ва қўз илғамас чанқовуз охангларини ичдан чиқариш учун кишига табиат ато этган кувват зарурдир. Агар чолғучи қалб оташида қайнаган меҳрини чанқовузга беролмаса, бутун вужуди бир нуқтага жамланмаса, куйнинг киши туйғусини қитиқловчи, дилини тортувчи орзиқтирувчи илохий сехри йўқолди. Чанқовуз ясамалик ва бефарқликни, юзакилик ва лоқайдликни ёқтирилди. Жұма Абрақұлов элга хизмат қилишдек бурчини сидқидилдан ўтаган, халқ санъатига фидоийлик, касбига садоқат намуналарини кўрсатган, солих фарзандлари тарбиялаган. Ўзидан яхши ном қолдирған инсондир.

Ж.Абрайқұлов 2002-2005 йилларда бўлиб ўтган «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивалда иштирок этиб ўз санъатини намойиш этди. ЮНЕСКО нинг фаҳрий ёрлиғи билан тақдирланди. Ўзбекистон давлат илмий-оммабоп ва хужжатли фильмлар киностудияси ижодкорлари 2004 йил кузида «Чанқовуз» чи фильмини суратга олишди. Қалби сиймосида шундоқ акс этган ижодкорни турли ракурслардан кузатишлар, чанқовузнинг минг хил созу нағмаларига йўғрилған Бойсун ва Қумқўрғон манзаралари, халқ хунармандчилиги, урф-удумлари ва турмуш лавхалари Ўзбекистон тарихининг ёрқин бир бўлғаги бўлиб кино тасмаларига муҳрланди.

**Чориев Чоршанбе** - 1952 йилда Бойсун районидаги Газа қишлоғида туғилған. 2006 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Тошкент театри ва рассомчилик санъати институтини 1978 йилда битирди. 1978 йил август ойида Сурхондарё вилоят М.Уйғур номидаги мусиқали драма театрида актёр, олий тоифали санъаткор лавозимида сермаҳсул ижод қилди.

У ўзининг ўттиз йилдан ошиқ ижоди давомида бир қатор ранг баранг образларини ўз маромида етказиб келди. Жумладан: Х.Расул асари «Кишлоқда келган куёв» да - йигит, Р.Мухаммаджонов асари «Давлат-болалари»да –Ботир, Ч.Айтматов асари «Момо ер» да Қосим, К.Абдуабиев асари «Амир Темур ва Йилдирим Боязид»да Шайх Нуриддин, Н.Парда асари «Адіб Собир» да-Отасиз, У.Азим асари «Бир қадам йўл»да –Жўра Раис, Х.Хурсандов асари «Ўлдинг азиз бўлдинг»да –Маҳалла раиси, Уйғун ва Иззат Султон асари «Алишер Навоий» да –Нажмиддин, И. Отакұлов асари. «Қамашган кўзлар» да –Бахром, К.Яшин асари. «Гулсара» да-Қодиржон, У.Хожибеков асари «Аршин мол олон» да-Аскар, М.Хайруллайев асари «Аллам сеники» да-Кўтос, Ш.Пардаев асари «Осмонсиз уй» да-ўғил, Ҳамза асари «Жононга бордим бир кеча»да –Бошловчи, М. Бобоев асари «Ўчмасин чироқ»да –Раж, Ж.Худойбердиев асари «Байрамдаги жиноят» да-Қодир, Х.Хурсандов асари «Кампир топайми дадажон»да –Жума бобо, Салом, У.Азим асари «Алпомишнинг қайтиши»да Ултонтоз, М.Бобоев асари «Ўлим халқаси»да –Бек, Х.Хурсандов асарлари «Судхурнинг Пари кизи» да-Салим, «Мухаббатим қисматим менинг»да-Мўмин, Қилич Ботир - Шер,

Ш.Рахматуллаев асари «Шох ва шоир»да-Сайд Барака, М.Хазратқулов асари «Интизор»да чол каби бир қатор образлар яратди ва халқ олқишига сазовор бўлди.

Ч.Чориев нафақат актёр, балки эл севган хонанда ҳамдир. Ўзбек халқ қўшиқларини маромига етказиб ижро этади. Ёшлар мураббийси. Ўнлаб шогирдлар етиштириди. 1994 йил вилоят касаба уюшмалари томонидан таъсис этилган «Адид Собир Термизий» мукофоти сохиби бўлди.

**Орипов Ҳамид** -1956 йилда Бойсун районидаги «Шўрсой» қишлоғида туғилган. 1999 йилда Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист. Тошкент театри ва рассомлик институтини 1977 йилда битирди. 1977 йил август ойида М.Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида драма актёри (олий тоифали) лавозимида сермаҳсул ижод қилди. У ижоди давомида бир қатор образларни ўз маромига етказиб ижро этди. Шу жумладан: И.Султон ва Уйғур асари «Алишер Навои» да- Навои, Н.Парда «Собир Термизий» да-Термизий, У.Азим «Алпомишнинг қайтиши» да Алпомиш, К.Абдунашибиев «Амир Темур ва Йилдирим Боязид» да-Султон, М.Бобоев «Мухаббатим қисматим менинг» да ўғил, Х.Хурсандов «Кампир топайми дадажон» да – Ашур, Ш.Рахматуллаев асари «Шох ва шоир ривояти» да-Шоир, Х.Хурсандов асари «Погон таққан одамлар» да-Тўраев, Х.Хурсандов асари «Қайсар чолнинг қилиғи» да-Султон, ва бошқа ўнлаб образларни яратди. Ёшлар мураббийси. Ўнлаб шогирдлар етиштириди. Ҳамид Орипов 2005 йилдан театр директори.

**Ҷосимова Сайёрахон** -1965 йилда Бойсун районидаги «Боғиболо» қишлоғида туғилган. 2002 йил Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист. 1990 йил Буюк Британия, 2006 йил Франция, 1987 йил Россия гостролларда бўлган.

«Олтин олма» (Олмат ота, 1990), «Мархабо талантлар» (1979), 2002-2005 йилларда Б.М.Т нинг ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган «Бойсун» фольклор этнографик» фестивали совриндори. 2002 йилдан «Шалола» рақс-ансамблнинг мусиқа раҳбари бўлиб ишламоқда.

Отаси Рахим Ҷосимов най чалган. Бибиси Муҳаррам Ўзбекистон халқ артисти Тамараҳонимни лапар, куй-қўшиқларини хаваскор бўлган. Оилавий муҳит таъсирида Халима Носирова, Муножот Йўлчиева, Замира Суюнова айтган ашуаларга қизиқкан ўқувчилик давридаёқ Ўзбекистонда Хизмат қўрсатган артист Санобар Раҳмонова томонидан айтилган қўшиқларни ёдлаб мактаб хаваскорлик тугарагига қатнашган. Абдуфаттоҳ Жамолов (мархум), Зикир Умаров (мархум), Камол Абдулхаев, Холиқ Хурсандовларни ўзининг устози деб билади. «Муножот», «Дугоҳ», «Қашқарча Ушшоқ» каби классик қўшиқларни ўз маромига етказиб куйлайди. «Ошпаз холла», «Дадажон», «Холинчак», «Тун», «Воҳ-воҳ турар», «Тўлдирма», «Суймали», «Ёргучоқ», «Чеча» каби фольклор –этнографик йўналишидаги халқ қўшиқларини мохирлик билан ижро этади.

**Қозиева Сайёра** - 1958 йилда Бойсун районидаги «Тузбозор» қишлоғида туғилган. 1994 йил Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист.

**Сайпиев Жумма** -1957 йилда «Чорчинор» маҳалласида туғилган. Оиласа 6-фарзанд бўлиб туғилган. Отаси Бўри Сайпиев (мархум) дутор ва танбур чалган. Бойсунлик Мулло Жума Хоғиз отасига устозлик қилган. Жума Сайпиевни санъатга кириб келишида, отаси Бўри Сайпиев ва амакиси Ашуртозиқул Ниёзовлар тўртки бўлган. Ўқувчилик йилларидаёт дутор, рубоб ва дойра чалишни ўрганган. Унинг илк «Космонаватлар» қўшигини мактабда ижро этган ва мактаб хаваскорлар тугарагига қатнашган. Англия (1988), Афғонистон (1987), Туркия(1991), Франсия (2003), Россия(1988) йилларда гостролларда бўлган. Абдулла Қодирий номидаги маданият институтини (1995) оммавий байрам режиссиёраси бўйича тамомлаган. Ўзбек ва тожик халқларининг Бухоро Шашмақоми бўйича «Насруллохий» классик мақоми ашуласини ижро этиб, фестивал лауреати бўлди. «Феруз» (Оғахий), «Эйсабо», «Назора қил» (Навоий) ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни маромига этказиб куйлади. Шунингдек фольклор-этнографик халқ ижодиёти йўналиши бўйича «Майда», «Хай-ёр-ёр», «Тулбобо» ва бошқа ашуаларни ижро этган.

«Келгай-му келмагайсан», «Сим-сим», «Айладинг» ашуаларга ўзи ёзиб, куй басталаб ижро этди. Халқ оғзаки ижоди ва мақом йўналиши бўйича 100 га яқин ашуалар ижро этди. Ўғли Собиржон Сайпиев ота йўналишидаги хонанда, қизи Гулирухсор Сайфиева Тошкент театр ва рассомчилик институти талабаси (мақом йўналиши бўйича). Жума Сайфиев-«Шалола» рақс ансамбли «Бойсун»-фольклор этнографик ансамбли ва 1978 йил «Куралай» ёшлар рақс ансамбилининг баддий раҳбари бўлиб ишлаган.

**Туропов Умиджон** – 1957 йилда Бойсун районидаги «Оқтупроқ» қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат маданият институтини 1990 йилда битирди. Буюк Британия (1991), Афғонистон (1991), Туркия (1994), Франсия (1998) мамлакатларида ижодий сафарда бўлди.

Москвада ўтказилган Ўзбекистон маданияти куйлари (1980), «Ўзбекистон Ватаним», «Алпомиш достонининг 1000 йиллиги», «Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги», «Шарқ тароналари», «Биз-Сурхондарё» дамиз, кўрик танлов конкурсларининг ғолиби, Фарғона водийсида ўтказилган Ўзбекистон халқ артистлари Мъймуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов юбилейи телевизион фестивали, Хоразмда бўлиб ўтган «Мақом ижрочилари» телевизион фестивали яккахон ижрочи ва мақомчилар фестивали ғолибидир.

«Бойсунда қор эриганда», «Шарқ бозори», «Унитилган қўшиқ», «Арча тандир олови», «Бойсуннинг бир қуни» фильмларида ўз қўшиқлари билан суратга қўшган. 2002-2005 йилларда бўлиб ўтган «Бойсун баҳори» халқаро очиқ турдаги фольклор фестивали мадхияси муаллифи ва ижирочисидир. Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг фестивал совриндори. У туман маданият марказий уйи «Шалола» ашула ва рақс ансамблида дастлаб мусиқа раҳбари ва баддий раҳбари бўлди. Хушвот хонанда, халқимиз севиб ардоқлаб келади, унинг ижросида юздан ортиқ ашула, лапар, мақом йўналишидаги ашуалар ижро этган.

**Хурсандов Холик** - 1945 йилда Бойсун районидаги «Катаригузар» маҳалласида туғилган. Низомий номидаги Тошкент Педагогика

инстититутини 1977 йилда битирди. 1990 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Кўплаб халқаро ва республика фестивал ва танловларни иштирокчиси ва ғолиби. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевни ўз устози деб билади. Болалигидан ёзувчи бўлишни орзу қилган. Илк хикояси «Гулистон» журналида босилган(1969). Республика «Ёшлик» журналида «Чопон кийган аёл» тарихий романи босиб чиқарилган(1980). Кейинги йилларда матбуотда «Ўлганлар ёлғон гапирмайдилар», «Қиёматдан бир кун олдин», «Мухаббат кўр туғилади» қиссалари чоп этилган.

1998 йилда Ўзбекистон Республикаси театрларида биринчи илк драматик асари «Кампир танлайми дадажон» асари (Фарғона вилоят театри, Катта қўрғон шаҳар театри, Сурхондарё вилояти театрларида), «Мухаббатим қисматим менинг», «Ўлдинг-азиз бўлдинг», «Хотинимнинг уч шайдоси», «Топталган туйғу», «Судхўрнинг пари қизи» асарлари Сирдарё Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё вилоят мусиқали драма театрларида, «Хотинимнинг уч шайдоси», “Топталган туйғу” асарлари Муқумий номидаги республика мусиқали драма театрида, режиссор М.Умаров ҳамкорлигида «Аёлгу» асари Ўзбекистон академик театрида саҳналаштирилиб қўйилган.

Ижодкор Холик Хурсандов 1985 йилдан бошлаб, Ўзбек халқининг (Бойсун-Сурхон йўналиши) ўлмас ижодиёти ва санъатининг дурдоналарини ўзида мужассам этган тоғли худуд халқ оғзаки ижодиёти, қадимий удумлар, рақслар, қўшиқлар ва маросимларни йиғиш ва саҳнага олиб чиқиши ҳамда тарғибот билан шуғулланган. «Бойсун фольклор этнография халқ дастаси» ни ташкил этди ва 1986 йил унинг баддий раҳбари бўлди.

## СУРХОН БАХШИЧИЛИК МАКТАБИ.

Бойсун-Шеробод баҳшичилик мактабига Сурхондарё вилоятидаги: Шеробод, Бойсун, Жарқўрғон ва Денов туманлари, Қашқадарё вилоятидаги Гузар, Деҳқонбод туманлари, Туркманистонни Чоршонги тумани, Тоҷикистонни Қабадион ва Шартуз туманларида яшаб ижод этган баҳшилар асосан Сурхон баҳшичилик мактаби ижодий маҳсулидир. Булар Баҳши Шерназар Бердиназар халқда Шерка баҳши (1855-1915) номи билан танилган, у ўз навбатида Қосимкўр баҳши (XIX асрнинг 2 ярмида яшаб ўтган) дан таълим олган бўлса, у ўз навбатида Бобо баҳши шоирнинг шогирди ҳисобланади. Бобо баҳши XIX сарнинг биринчи яримида яшаб, ижод этган. Шерназар баҳшини шогирлари: Марданақул Авлиёқул ўғли, Аҳмад юзбоши, Саодат юзбоши, Чори юзбоши, Нормурод Шерназар ўғли, Жўра Эшмиро ўғли, Худойқул Лақай, Эсон Шомурод ўғли ва бошқалар. Алим юзбошини шогирди Холиёр Абдуназар Карим ўғли 1897 йилда Паданг қишлоғида туғилган. 1929 йилда Фольклоршунос олим Ходи Зариф Бойсунда бўлиб, Абдуназар баҳшидан «Амир Қочди» достонини ва бир қанча термаларни ёзиб олган. Бойсун-Шеробод баҳшичилик мактабини асосчиларидан бири Умар шоир Сафар ўғли қарийб 20 та достон ва юзлаб термаларни ёддан айтган. Ҳозирги Шеробод-Бойсун баҳшичилик мактаби

бахшилари Шерка бахши, Холёр бахши, Умур базшиларнинг давомчилари. Ҳозирги бахшичиликда Мунчоқ қишлоғидан, Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Бахши Болтаев Хомкон қишлоғидан Абдуназар Поёновлар шулар жумласидандир. Уларнинг шогирдлари-Шодмон Эгамберди, Урал Рахимов, Йўлдош Сувонов, Баҳтигул Бобоева ва бошқалар. Бахшичилик нафақат Бойсун туман марказида, балки чекка қишлоғларида Мунчоқ, Тўда, Тангимуш, Дашибозда ҳам бахшичилар етишиб чиқмоқда.

**Шоберди Бахши Болта ўғли.** (Болтаев Шоберди) - Бойсун районидаги «Мунчоқ» қишлоғида 1944 йилда туғилган. Термиз Давлат Педагогика институтини 1972 йилда битирди. Мунчоқ қишлоғидаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Шобердининг бахшичиликка фаолияти айрича жиҳатларга эга. Унинг ижодига таалукли терма ва достонларнинг мавзуи ва мазмуни фалсафий мушохидаларга бой ҳолда долзарб муаммоларни қамраб олиш билан ўта муҳимдур. Унинг ижод бисотида тегишли «Алпомиши», «Олтинқовоқ», «Қунтуғмиш», «Малла савдогар», «Сулувхон», «Санамгавҳар», «Ойпари», «Оллоназар олгинбек» достонларни эл севиб тинглайди ва бу достонларни бахши мароқ билан куйлайди. Бахшининг «Мехмондур», «Тилар», «Нима ёмон», «Кунларим», «Думбира», «Ойпари» ва бошқа талай термалари аллақачон эл олқишига сазовор бўлган асарлари қаторига киради.

2000 йил «Ўзбекистон халқ бахшиси» юксак унвон сохиби бўлди. Хассос ижодкор Хидир шоир 2009 йил «Ўзбекнинг ўз алпи бор» достонини айнан Шоберди бахшига бағишланган. Шоберди терма айтадими, достон куйлайдими ҳаммасини юракдан қуйлайди ҳам сел бўлиб куйлайди ва барчани ўзига маҳлиё этиб дўмбирасини сайратади.

**Абдуназар Поёнов** Хомкон қишлоғида туғилган. «Олтин қовоқ», «Малла савдогар», «Алланазар Олчинбек», «Хомкон», «Алпомиши», «Келиной», «Қунтуғмиш», «Гўрўғлиниң туғилиши», «Турсун мерган», «Даврқул полвон» каби достонларни куйлайди. У ўзи яратган «Алпомиши» достонига кирувчи «Турсун мерган» ва «Даврқул полвон» достонлари 2000 ва 2003 йилларда нашр этилди. Шеробод-Бойсун бахшичиликда «Алпомиши», «Ёдгор», «Хурсина», «Қунтуғмиш», «Ёзи билан Зебо», «Келиной ва Гўрўғли» достонига кирувчи «Нурали» достонларини куйлаб келмоқда. Инсоният янги даврга қадам куйди. Янги асрда дунёning кўплаб халқлари ўз миллий қадрятлари, урф-одатлари ва маънавий-маданий маросимларига тобора қизиқиши билан қарамоқда. Зеро инсонни англаш учун у мансуб бўлган халқнинг урф-одат ва анъаналарини баддий тафаккур намунаси ҳисобланган халқ оғзаки ижодини ўрганиш лозим. Ўтмишни ўрганмай туриб ёруғ келажак яратиш бағоят мушкул. Сирасини айтганда халқ оғзаки ижодини ўрганиш-халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, анъаналари, тарихи бугунги ва келажаги, уй-кечирмалари ҳамда рухиятни ўрганиш демакдир. Бундай ижод сахнасини англаш эса бахшичилик санъати сирларини ўрганишдан бошланади. Бахшичилик неча-неча асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаётган гаройиб санъатдир. Хар бир бахши хотирасида ўтмиш анъаналарини сақлаб,

уни авлодларга етказган ва бу эпик анъана ҳар гал ижро жараёнида янада бойиб, янгиланиб борган.

Шарофиддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур (1370-1405) хукумронлиги йилларида Давлатшох бахши деган киши бўлган. «Акбарномада» эса Мирбахши деган бош бахшини номи тилга олиб ўтилган.

«Қутатғу билиг», «Хибат ул-хақойиқ», «Мероснома» каби абадий меросимизнинг нодир намуналари ҳам «Бахши» деб аталувчи котиблар томонида кўчирилган. Бахшиликнинг эътиборга молик яна бир хусусияти устоз-шогирдлик анъанасидир.

Бахшилик узок тарихга эга. Бу анъана ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Бойсунда- бахшичилик санъати ҳам узок тарихга эга. Бу юрт бахшилари юрти десак муболаға бўлмайди.

**Бойсунлик Улаш Бахши Ғози ўғли** (1892-1969) юксак маҳоратли бахши бўлган. Қорабўйин уруғидан чиққан Работ қишлоқлик Мулло Эрмамат бахши Бадалов халқ оғзаки ижодига қизиқди, дўмбира чертишни падари бузруквори Бадал бободан, кейинроқ қайнотаси Мерган овчидан ўрганди. Ўспиринлик йилларидаёқ дўмбира жўрлигига термалар айтиш, халқ достонларидан парчалар ўрганишга интилди. Унинг араб тилидаги саводхонлиги, мактаб йилларида эса лотин графикасини яхши ўрганиш, муентазам машқ ва устозлар мадади бахшичилик санъатининг нозик сирларини эгаллаш йўлидаги орзусини рўйобга чиқишига имкон берган. Таланти юксала бориб, 1950-1956-йилларда юқори чўққисига кўтарилиган, номи район аҳолиси орасида Мулло Эрмамат бахши сифатида танилган.

Эрмамат бахши ижоди давомида йигирмадан ортиқ халқ достонлари, жумладан «Алпомиши», «Авазхон», «Даллижон», «Кунтуғмиш», «Мисқол пари», «Бологардон», «Базурғон», «Кундуз ва Юлдуз» каби достонларни ўзига хос услубда маҳорат билан куйлаган. Мулло Эрмамат бахши Бойсун районидаги Ёмчи, Питов, Кофрун, Бандиҳон, Тўда, Газа, Тоба қишлоқларида ўз санъатини намойиш этган. 1938-йилда Газалик Худойқул Турдиалиев томонидан мулло Эрмамат бахшини термалари ёзиб олинган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг фольклоршунослар Музаяна Алавия, Ходи Зариф туманимизга ташриф буюриб, Мулла Эрмамат бахши билан учрашиб, ундан айрим терма достонларини ёзиб олган.

## **ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР**

Сурхон воҳасида моддий маданият тарихининг ривожи, хўжалик тараққиёти, моддий маданият ва маданий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари тарихий жараён билан бевосита боғлиқ ҳолатда ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналди. Баркамол ёш авлодга Сурхон воҳаси жаҳон цивилизацияси тарихи ривожида муносиб ҳисса қўшган этнографик макон сифатида ўз ўрнига эга эканлиги таҳлил этилиб, қадимий касб-ҳунарлар, маънавий-ахлоқий ҳаёт соҳасида халқимизнинг босиб ўтган ҳаёт йўли жаҳон цивилизацияси тарихида катта аҳамиятга эга эканлиги тушунтириб берилди. Сурхон воҳаси илк кишилик жамиятининг манзилгоҳи, тасвирий санъатга асос солинган худуд, дехқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик шаклланган макон сифатида ажралиб туради. Сурхон воҳаси ўтмишда моддий маданиятни юксалтирган, анъанавий хўжаликни юксак даражада тараққий эттирган, ўтмиш ва ҳозирги замон маданий тараққиётини узвий шаклланишига имкон яратган, ёш авлодга ва келажакка муносиб ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий ғуур ҳамда гоявий эътиқодларни тақдим этган юрт.

Мамлакатимизнинг Сурхон воҳасида моддий маданият тарихи ҳам бамисоли «очилмаган қўриқ» бўлиб, моддий маданият тарихи кўп минг йиллик ўтмиш тарихимизда босиб ўтилган моддий маданиятининг туб илдизларини ўрганиш масъулияти ҳам бугуннинг энг долзарб мавзусидир. Узоқ тарихий кечмиш давомида минтақада содир бўлган моддий маданият тарихи дурданаларининг яратилиш жараёнини тарихий жиҳатдан очиб берди. Битирув малакавий ишида илгари сурилган ғоялар ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этади.. Шунингдек, воҳа тарихининг қадимги ва ўрта асрлар даври асл манбалар асосида таҳлил қилинади. Сурхон воҳасида моддий маданият тарихининг янги ва ҳозирги замон тарихини ёритишда ҳали илмий қамровга киритилмаган кўплаб архив хужжатлардан самарали фойдаланилди. Ўзбекистон Республикасида кечаётган туб ижобий

ўзгаришлар шароитида шаклланган миллий истиқол мафкураси асослари асосида яратилиди.

Сурхон воҳасида моддий маданият тарихини ўрганиш анчадан буён тарихчиларимиз олдиғаги муҳим вазифа бўлиб келган. Шу сабабли ҳам ушбу масала юзасидан кўплаб тарихий ва илмий асарлар яратилган. Сурхон воҳасида моддий маданият тарихини мукаммал ва ҳолис ўрганишда қўйидаги манбаларга таянилади: Сурхон воҳасида моддий маданият тарихининг ибтидоий жамият давридаги ҳамда қадимги давр тарихини ўрганишда воҳада олиб борилган археологик илмий тадқиқотлар ва ушбу тадқиқотлар асосида яратилган илмий адабиётлардан фойдаланилди; Сурхон воҳаси ўзбек давлатчилиги тарихида нихоятда муҳим ўрин тутади. Тарихий тараққиётнинг узоқ даврлик жараёнининг маҳсули сифатида шаклланган жуда кўплаб археологик ёдгорликлар мажмуи воҳада шаклланган бой моддий маданиятни бевосита иъ никоси саналади. Шунинг учун ҳам минтақада жойлашган археологик ёдгорликларни моддий маданиятнинг ажralmas қисми сифатида тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналди. Воҳада жойлашган монументал меъморий ёдгорликлар ҳам моддий маданиятнинг ажralmas қисмидир. Шу боисдан ҳам минтақадаги муқаддас қадамжолар меъморий ёдгорликларнинг ўрганиш орқали воҳа аҳолисининг бой моддий маданият соҳиби эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Моддий маданият тарихининг собиқ советлар даври, яъни мустабид тузум шароитидаги тарихини ёритишда ўша даврга оид илмий адабиётлар, архив ҳужжатлари ва матбуот материалларидан танқидий ва ҳолис тарзда манба сифатида фойдаланилди; Моддий маданиятнинг мустақиллик йиллари давомида ривожланиш хусусиятларини ёритишда эса статистик материаллар, йил яқунларига доир хисоботлар, архив ҳужжатлари ҳамда матбуот материаллари манба вазифасини ўтайди.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» И Т. -Т.: «Ўзбекистон» 1996. 364-б.
  2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.:Ўзбекистон, 1999.-689 б.
  3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: “Ўзбекистон”. 1998.
  4. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. “Тошкент ” маънавият, 2008 й.
  5. Жабборов А., Мусиқий драмма ва комедя жанрлари Ўзбекистон ижодиётида, Т., 2000.
  6. Раззоков X., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К., Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т., 1980.
  7. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т., Узбекский героический эпос, М., 1947.
  8. Муродов М., Алномишнома, 1 —2-китоблар, Т., 1999, 2000.
  9. Эргашев А., Халилов Д., «Ёзи ва Зебо» — ишқ достони, Қарши, 2000;
  10. Қаҳҳоров А., Янги достонлар, Т., 1988;
  11. Дмитриева Н.А. Краткая история искусств. М.: “Искусство”, 1985, стр. 318.
  12. Способин И., Мусиқа шакли Махсус мухаррир Ф. Фофурбеков, Т., 1982.
  13. Ражабов И., Мақомлар масаласига доир. Т., 1963;
  14. Матёқубов О., Мақомат. Т., 2004.
  15. Тошмуҳамедов М., Ғижжак дарслиги, Ташкент., 2005.
- Раззоков X., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К., Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т., 1980.

1. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т., Узбекский героический эпос, М., 1947.
2. Муродов М., Алпомишнома, 1 —2-китоблар, Т., 1999, 2000.
3. Эргашев А., Халилов Д., «Ёзи ва Зебо» — ишқ достони, Қарши, 2000;
4. Қаҳхоров А., Янги достонлар, Т., 1988;
5. Способин И., Мусиқа шакли Махсус мұхаррир Ф. Ғофурбеков, Т., 1982.
6. Ражабов И., Мақомлар масаласига доир. Т., 1963;
7. Матёқубов О., Мақомат. Т., 2004.
8. Тошмуҳамедов М., Ғижжак дарслиги, Ташкент., 2005.